БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-йил чиқиши
№ 256 (2289).
26 декабрь
Чоршанба
1962 йил
Баҳоси 2 тийин

«ТАШАВТОМАШ» ЗАВОДИНИНГ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИСИ ЎРТОҚ М. РИХСИБОЕВНИНГ ВАҚТИ ЧОГ. У ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ ТОПШИРИҒИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРҒАНЛИГИ ҲАҚИДА КОРХОНАДА БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ РАПОРТ БЕРДИ. ИЛҒОР ИШЧИ ШУ КУНЛАРДА СМЕНА ТОПШИРИҚЛАРИНИ 130—140 ПРОЦЕНТДАН БАЖАРЯПТИ. СУРАТДА: М. РИХСИБОЕВ.

А. ТУРАЕВ ФОТОСИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Илгари хабар қилинганидек, 24 декабрда Тошкент область партия комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов**нинг «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ва Тошкент область партия ташкилотининг область халқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

— СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилган КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми, — дейди докладчи, — Коммунистик партия, барча совет халқи ҳаётида муҳим давр бўлди. Н. С. Хрушчевнинг чуқур мазмунли, назарий қоидалар ва амалий хулосалар билан бойитилган докладида ҳамда Пленум қарорида партия раҳбарлигини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, партия ташкилотлари структурасини қайта қуришнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади ва Марказий Комитет ноябрь Пленумининг қарори партиямиз янги Программасини амалга оширишда катта роль ўйнайди.

Барча совет кишилари каби Тошкент область меҳнаткашлари ҳам партия Марказий Комитети маълум тарихий шароитларда вужудга келган ва ўзининг ижобий ролини ўйнаган эди. Эндиликда эски ташкилий формалар партиянинг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишида маълум даражада тўсқинлик қиладиган бўлиб қолди.

Партия органлари саноат билан ҳам қишлоқ хўжалиги билан ҳам шуғулланадилар. Табиийки улар ўз кучларини сочиб юборишга, дам у масала, дам бу масала билан шуғулланишга мажбур эдилар.

Халқ хўжалигига раҳбарликнинг қайта ташкил этилишининг лозимлигини Тошкент область партия комитети фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозир областда кўп тармоқли саноат яратилган. Қурилиш ташкилотлари жуда катта ҳажмда ишлар олиб бораяпти. Областда ўз сафига жуда кўп коллективларни бирлаштирган бир қанча транспорт ва алоқа корхоналари бор. Қишлоқ хўжалигимиз ҳам кўп тармоқлидир. Шуни айтиш кифояки, фақатгина 1962 йилда давлатга 1 миллион тоннага яқин пахта, каноп, ғалла, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Бундан ташқари кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Областда бир қанча илмий муассасалар, ўқув юртлари бор, 91 та илмий тадқиқот муассасалари ишлаб турибди. Бундан ташқари 16 та олий ўқув юрти ва 32 та техникум бор.

Шунинг учун ҳам область партия комитетининг халқ хўжалигининг муҳим соҳаларига оид кўпгина масалаларни кўриб чиқишга қўли тегмас эди. Бу ана шундай масалалар билан шуғулланишни истамаслик ёки уларга етарли баҳо бермаслик оқибати эмас эди, албатта. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан чуқур шуғулланиш учун, уларга малакали раҳбарлик қилишнинг имкониятлари йўқ эди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб, унда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари» ҳақидаги доклади муҳокама қилинди.

Пленум Марказий Комитет ноябрь Пленуми қарорларини бир овоздан маъқуллади ва уларни муваффақиятли амалга ошириш учун чора тадбирлар белгилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми ва Марказий Комитетнинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш бўйича иккита бюросини ташкил этди. Пленум 4 та йирик областда — Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон областларида иккитадан обком ташкил этишга қарор қилди.

Саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш бўйича Тошкент область партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва саноат ишлаб чиқариши ҳамда қурилишга хизмат кўрсатувчи ташкилотларда меҳнат қилаётган коммунистларни бирлаштиради. Бу область партия комитети ўз ҳисобида 63 мингга яқин коммунисти бўлган таҳминан 1745 та бошланғич партия ташкилотларини ўз ичига олади.

Саноат ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш бўйича область комитети Тошкент, Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл шаҳар партия комитетлари ва Янгиобод район партия комитети ҳамда иккита зона (туркум) саноат ишлаб чиқариш партия комитетларини бирлаштиради. Тошкент шаҳрида 6 та — Ленин, Куйбишев, Фрунзе, Чилонзор, Октябрь ва Киров район партия комитетлари бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш бўйича область партия комитети ўз сафида 22 минг коммунисти бўлган 730 та бошланғич партия ташкилотларини бирлаштиради.

Жойларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига 9 та колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари раҳбарлик қилади:

1. Калинин бошқармаси (Оржоникидзе ва Калинин районлари).
2. Ўрта Чирчиқ бошқармаси (Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон районлари).
3. Юқори Чирчиқ бошқармаси (Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ районлари).
4. Янгийўл бошқармаси (Янгийўл, бунга Янгийўл шаҳри кирмайди ва Чиноз районлари).
5. Оққўрғон бошқармаси (Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон районлари).

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошира бориб, янги муваффақиятларга эришдилар. Республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларнинг кўпгина турлари бўйича 1962 йилги планни муддатидан илгари, 25 декабрда бажарди.

Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат йиллик планни муддатидан илгари, 24 декабрда бажарди.

Унлаб корхоналар ҳозирнинг ўзида 1963 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Булар орасида Ванновскаядаги нефтни қайта ишлаш заводи, Қўқондаги суперфосфат заводи, «Ташавтомаш», Фарғонадаги гидролиз, Оҳангарондаги цемент, абразив, «Чирчиксельмаш», «Красний двигатель» заводлари, «Бухаранефтегаз»кон бошқармаси, Қўқондаги ёғ комбинати, «Жанубий Оламушук» нефть кони ва бошқа корхоналар бор.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, рационализация ва ихтиросчилик меҳнат унумдорлигининг ўсишига асос бўлди. Бу кўрсаткич юзасидан белгиланган топшириқ ошириб бажарилди, шу билан бирга меҳнат унумдорлиги иш ҳақидан тез ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР саноат ходимлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш натижасида 1963 йилда етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун ҳамма чорани кўрмоқдалар. (ЎзТАГ).

Темирйўлчилар ғалабаси

Тошкент темир йўлининг кўп минг кишилик коллективи етти йиллик тўртинчи йилининг юк ортиш планини 25 декабрда муддатидан илгари бажарди. Нефть маҳсулотлари ва қора металлар, ёғоч-тахта ва ғалла, енгил саноат ва тўқимачилик саноати учун хом ашё ортиш юзасидан белгиланган топшириқ ошириб бажарилди.

Бир қанча техника-иқтисодий кўрсаткичлар ошириб бажарилди. Юк поезднинг ўртача оғирлиги топшириқда белгиланганига нисбатан 23 тонна оширилди, транзит вагоннинг тўхтаб туриши эса планда белгиланганига нисбатан қарийб 4 минут камайтирилди, вагонлар оборотининг нормаси бажарилди. Ҳар учта поезднинг биттаси кўп юк билан қатнади.

Етти йилликнинг тўртинчи йилида темир йўлчиларнинг меҳнат унумдорлиги топшириқда белгиланганига нисбатан 2,1 процент ошди.

Пўлат магистраль меҳнаткашлари етти йиллик бешинчи йили ҳисобига яна юз минглаб тонна юк ортадилар. (ЎзТАГ).

УЛКАН ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Партиямиз тарихида жуда катта воқеа бўлган КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш юзасидан революцион тадбирлар белгилади. Бутун мамлакат, бутун халқимиз партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорини қизғин мақуллламоқда, уни амалга ошириш йўлида зўр жонбозлик, фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Яқиндагина ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми ана шу ноябрь Пленумининг якунларини кенг муҳокама қилди, мақуллади, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликни янада яхшилаш юзасидан жуда катта ташкилий тадбирлар белгилади. Партиянинг халқ хўжалигига раҳбарлиги территориал принципда эмас, балки ишлаб чиқариш принципи асосида ташкил этилди. Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиумини, Марказий Комитетнинг саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик бўйича алоҳида-алоҳида бюроларини сайлади. Шунингдек, пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия-давлат контроли комитетининг раиси тасдиқланди.

Куни кеча бўлиб ўтган Тошкент область партия комитетининг пленуми ҳам ноябрь Пленумининг якунларини муҳокама қилишга бағишланди. Пленум қарорига биноан областимиз саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи иккита бюро: область партия комитетининг саноат ишлаб чиқариши бўйича ташкилий бюроси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича ташкилий бюроси сайланди.

Хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни янада такомиллаштириш мақсадида, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарори асосида областимизда 9 та: Калинин, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Оққўрғон, Сирдарё, Янгийўл, Янгиер, Гулистон территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ташкил этилади.

Пленумдаги докладда, нотиқларнинг сўзларида, қабул қилинган қарорда областимиз саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигининг бу йилги якунлари ҳар тарафлама муҳокама қилинди, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва Ўзкомпартия Марказий Комитети V пленуми қарорлари асосида областимиз партия ташкилотлари олдида турган вазифалар белгиланди.

Пленум қатнашчилари зўр мамнуният билан қайд қилиб ўтдиларки, халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш юзасидан ўртоқ Н. С Хрушчев ташаббуси билан Марказий Комитет Президиуми ишлаб чиққан тадбирлар турмуш тақозо қилаётган, коммунизм қурилиши талабларига тўла мос келадиган тадбирлардир. Бу тадбирлар республикамиз, областимиз экономикаси ва маданиятининг барқ уриб ривожланишига, ишлаб чиқаришдаги янги-янги резерврларни қидириб топиш ва кенг ишга солишга, меҳнат унумдорлигини кескин оширишга ёрдам беради.

Пленум етти йилликнинг тўртинчи йилида областимиз меҳнаткашларини н г К П С С XXII съезди қарорларини амалга ошираборибф, меҳнат фронтида қўлга киритган ютуқларига якун ясади, ишимиздаги камчилик ва нуқсонларни рўй-рост большевикчасига очиб ташлади ва бундан кейинги қилинадиган ишларимиз режаларини белгилаб берди.

Областимиз, Тошкент шаҳри саноат, қурилиш, транспорт ходимлари ишлаб чиқариш қувватларини янада ривожлантириш, техника прогресси, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни яхшилаш соҳасида анча дуруст натижаларга эришдилар. Етти йиллик бошидан буён саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 57 процент кўпайди. Бу етти йиллик планда кўзда тутилган суръатдан анча юқоридир. Етти йилликнинг ўтган уч йили ва 11 ойи ичида саноатда меҳнат унумдорлиги 35 процент ошди. Лекин шу билан бирга областимиз саноатига раҳбарлик қилишда катта камчиликлар ҳам бор. Саноатимизда ҳам, транспортда ҳам мавжуд резервлардан ёмон фойдаланилмоқда. Фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга суст жорий қилинмоқда. Илмий тадқиқот институтларида конструкторлик бюроларининг ишларида катта параллелизм мавжуддир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ҳам областимиз саноатига раҳбарлик қилишдаги ана шу камчиликлар алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалигимиз меҳнаткашлари бу йил об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, Ватан хирмонига 414 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкдилар. Областимизда гўшт, дон, луб экинлари, сабзавот, тухум тайёрлаш давлат плани муваффақият билан адо этилди.

Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Оржоникидзе районларининг азаматлари пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариб, катта ғалабага эришдилар. Илғор район ва хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатдики, агар ташкилотчилик ишлари яхши йўлга қўйилса, жон куйдириб ишланса, ҳар қандай қийинчиликларни ҳам енгиш мумкин. Чўл билан, шўр билан, сувсизлик билан олишиб, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида пахта планини ошириб бажарган Янгиердаги «Коммунизм» колхози, «Фарҳод» совхози, Комсомол районидаги Фрунзе номли колхоз хўжаликлари тажрибаси бунинг яққол исботи эмасми! Аммо айрим районлардаги колхоз ва совхоз раҳбарлари ана шундай қийинчиликлар олдида эсанкираб қолдилар, ишни ташкил эта билмадилар, оқибат натижада планлар барбод бўлди, улар раҳбарлик қилган хўжаликлар чўкиб қолди. Айниқса Оққўрғон, Бекобод, Гулистон, Комсомол, Сирдарё районларининг раҳбарлари ишни ташкил этабилмадилар, сусткашлик кўрсатдилар, областимизнинг шаънига доғ туширдилар, бу йил пахта тайёрлаш планини бажараолмаслигимизга сабабчи бўлдилар.

Халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш юзасидан КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар қишлоқ хўжалигимиздаги йўл қўйилиб келинаётган камчиликларни тезда бартараф қилишга ёрдам беради, мамлакатга тобора кўп гўшт, сут, ёғ, дон, пахта, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан белгиланган улуғвор программани амалга оширишга имкон яратади.

Областимиз партия ташкилотлари, барча коммунистлар партиямиз ленинчи Марказий Комитети атрофига янада маҳкам жипслашиб ноябрь Пленуми ишлаб чиққан тадбирларни амалга оширдилар, коммунизм улуғ ишининг тантанаси йўлида, XXII съезд қарорларини турмушга татбиқ этиш йўлида бутун куч ва ташкилотчилик қобилиятларини аямайдилар.

РЕСПУБЛИКАДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қайд қиладики, Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет халқи сингари КПСС XXII съезди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш юзасидан белгилаган тарихий вазифаларни адо этиш учун зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан ишламоқдалар.

Ўзбек халқи Совет Иттифоқи халқларининг қардошлик оиласида яшаб, ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилгани туфайли экономика, фан ва маданиятни юксалтиришда катта ютуқларга эришди.

Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча ўсди.

Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг тинмай ўсиб бораётганлиги, халқ хўжалик юклари ва йўловчиларни ташиш ҳажмининг тўхтовсиз ортаётганлиги транспортнинг барча турларини янада ва ҳар тарафлама ривожлантиришни тақозо қилади. КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи хукуматининг улкан ёрдами, шунингдек иттифоқчи республикаларнинг қардошларча ёрдами туфайли кейинги йилларда Ўзбекистонда йўл хўжалигини яхшилаш юзасидан катта ишлар қилинди.

Партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлиги остида республиканинг колхоз ва совхозлари, министрликлари ва бошқармалари йўл хўжалигини яхшилаш ишида актив иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон ССРда 45 та йўлқурилиш ва йўл-эксплуатация ташкилотлари барпо этилган ва ишлаб турибди. Улар юқори унумли техника билан таъминланган бўлиб, бу техника йўл қурилиши соҳасида ҳам, йўлларни ремонт қилиш соҳасида ҳам жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариш имконини беради. Кўп меҳнат талаб қиладиган йўл ишларини комплекс механизациялаш асосан тугалланган.

Андижон, Фарғона, Тошкент ва Сурхондарё областларида йўл қурилиши соҳасида айниқса катта ишлар қилинди. Марказий Фарғона ва Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида кўп йўллар қурилди. Республиканинг асосий магистрал йўлларини реконструкция қилишнинг биринчи босқичи тугалланди.

Тошкент-Мирзачўл йўлининг Тошкент-Чиноз участкасида икки полосали цемент-бетон етқизилган биринчи автострада қурилиши бошлаб юборилди.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, йўл органлари, колхоз ва совхозлар ҳамда бошқа хўжалик ташкилотлари амалга оширган катта ишлар натижасида 1953 йилдан 1962 йилгача ўтган давр ичида Ўзбекистонда асфальт-гудрон ётқизилган 7 минг километрдан ортиқ автомобиль йўли қурилди. Эндиликда қулай йўллар шоҳобчаларининг узунлиги 10 минг километрдан кўпроқдир.

Сирдарёда Пунган ва Шоханд кўприклари, Сурхондарёда иккита кўприк, Самарқанд областида Қорадарёда бир кўприк, Бухоро областида Зарафшон дарёсида бир кўприк, Андижон областида Норин даресида ва Қорадарёда ҳамда бошқа бир қанча жойларда кўприклар қурилди.

Бу йўл шоҳобчалари ва кўприкларнинг қурилиши республиканинг кўпчилик саноат ва қишлоқ хўжалик районлари ўртасида тегишлича автомобиль алоқаларини таъминлаш имконини беради.

Деярли ҳамма районлар область марказлари билан тош-шағал ётқизилган йўллар орқали боғланган ва гудрон-асфальт ётқизилган йўлларга эга. 894 та колхоздан 680 таси ва 164 та совхоздан 127 таси магистраль йўллар билан боғлайдиган тошшағал ётқизилган йўлларга эга.

Йўл хўжалигида юқори малакали қурувчи, механизатор, йўлларни эксплуатация қилувчи, проектчи, кадрлар етишиб чиқди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Колхозлар, совхозлар, саноат, транспорт, қурилиш корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларининг автомобиль йўллари қурилишида ва ремонтида иштироқ этишлари тўғрисида» 1959 йил 4 мартда чиқарган Фармонининг бажарилиши республикада йўл қурилишини кенг қўламда авж олдириб юборишга ёрдам берди.

Йўллар қуриш ва уларни реконструкция қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар анча қисқа муддат ичида маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб, кўп капитал маблағ сарфламасдан туриб, республикадаги йўлсиз участкаларни тугатиш имконини берди.

Бироқ, қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда республика йўл хўжалигида жиддий камчиликлар ҳам бор.

Самарқанд, Бухоро областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг бир қанча районлари қулай йўлларнинг йўқлиги сабабли область марказлари билан бутун йил давомида пухта транспорт алоқасини йўлга қўяолмаётирлар.

Қарийб 200 колхоз ва 40 та совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари билан алоқа қилиб туриш учун зарур бўлган қулай йўлларга эга эмас.

Колхоз ва совхозлар территориясидаги йўллар ғоят ноқулай йўллар бўлиб, улар асосан табиий тупроқ йўллардан иборат.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари автомобиль йўлларни қуриш, ремонт қилиш ва уларни сақлаш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Доимий назорат ва ремонт бригадалари йўқлиги натижасида кўпгина автомобиль йўллар барвақт бузилиб кетмоқдаки, бу ҳол уларни қайта тиклаш учун яна қўшимча равишда кўп маблағ талаб қилмоқда.

Бир қанча ҳолларда автомобиль йўлларни юқори сифатли қилиб қуриш таъминланмайди, чала-чулпа битказилган йўлларни фойдаланишга топширишга йўл қўйилади, йўл қурилишида илғор методлар сустлик билан жорий этилади.

Капитал типидаги такомиллашган материаллар ётқизиладиган йўлларни қуриш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техника базаси ҳали ҳам сустлик билан барпо этилмоқда.

Кўпгина областлар ва районларда мавжуд йўл машиналари ва механизмларидан фойдаланишга ҳали ҳам етарлича эътибор беришмаётир. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги кичик механизация воситаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш масалалари билан, Ўзбекистон ССР Госплани ва Халқ хўжалиги кенгаши эса республикада йўл техникаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари билан суст шуғулланмоқда.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги йўл ишлари билан ва йўлларни эксплуатация қилиш билан шуғулланадиган кўп ташкилотларга эга бўлса-да, бу ташкилотларнинг йўлларни ремонт қилиш ва уларни сақлаш соҳасидаги ишларининг юксак даражада ва пухта бўлишини таъминламади.

Республиканинг бир қанча областларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1959 йил 4 март Фармонига мувофиқ жалб этилган ресурслардан нотўғри фойдаланиш ҳоллари ҳамда йўл қурилишида бевосита қатнашиш ўрнига кўпинча пул маблағлари бериш билан кифояланиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ваҳоланки, бу Фармон йўл қурилишида колхоз ва совхозларнинг асосан бевосита (натурал шаклда) иштирок этишларини назарда тутади.

Йўл қурилишига Фармонда назарда тутилган ажратмалар ҳисобига йўл ишлари давлат планлари ҳам қониқарсиз бажарилмоқда, айниқса Самарқанд областида бу иш суст бораётир.

Меҳнаткашлар депутатлари область ва район Советларининг бажариш бир ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳамда бир қанча бошқа министрликлар ва бошқармалар чекка тайёрлов пунктлари, корхоналар ва қурилишларни темир йўл станциялари билан, район марказлари билан, шаҳарлар ва саноат районлари билан боғлайдиган йўлларни яхшилаш соҳасида етарлича чора кўрмаётирлар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар ва бошқармалар йўл қурилиши юзасидан қабул қилинган планларнинг ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1959 йил 4 мартдаги Фармонининг бажарилишини яхши контроль қилмаётганликлари натижасида ана шу камчиликлар юзага келди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд қиладики, халқ хўжалигининг гуркираб ўсаётганлиги, магистраль йўлларда юк обороти кескин суратда кўпайганлиги, юк кўтариш қуввати катта бўлган машиналар сони ортгани ҳаракатнинг ўсган интенсивлигини ва оғир юкларни ташишини таъминлай оладиган цемент-бетон ва асфальт-бетон ётқизилган йўллар қуришни, шунингдек автомобиль йўлларни ремонт қилиш ва уларни сақлаш ишини тубдан яхшилашни талаб этади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикалари Олий Совети **қарор қилади**:

1. Йўл қурилишини кенг ривожлантириш, йўлсизлик қолдиқларини тугатиш ва автомобиль йўллари мавжуд шоҳобчаларининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ва унинг жойлардаги органларининг, республика хўжалик ташкилотлари, колхозлари ва совхозларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

2. Автомобиль йўлларини янада ривожлантириш ва техника жиҳатидан такомиллаштириш программаси маъқуллансин; бу программа республикада 1963—1965 йилларда 1500 километр ва 1966 — 1970 йилларда 5300 километр, жами 6800 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилишни назарда тутади. Булардан умумдавлат ва республика аҳамиятига эга бўлган йўллар 1800 километр ва область аҳамиятига эга бўлган йўллар 5000 километр, жумладан Тошкент областида 550 километр, Самарқанд областида 560 километр, Андижон областида 640 километр, Фарғона областида 580 километр, Бухоро областида 650 километр, Сурхондарё областида 1050 километр, Хоразм областида 580 километр ва Қорақалпоғистон АССРда 390 километрдир.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

СССР Министрлар Советида

Меҳнаткашларнинг хоҳишларини эътиборга олиб, СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 30 декабрь якшанба кунидан 1962 йил 31 декабрь душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

6. Бўка бошқармаси (Бўка ва Пискент районлари).

7. Сирдарё бошқармаси (Сирдарё райони ва Комсомол районидаги «Гулистон» ҳамда «Социализм» совхозлари киради).

8. Гулистон бошқармаси (Гулистон ва Комсомол районлари).

9. Янгиер бошқармаси (Бекобод ва Янгиер районлари).

Ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари колхозлар, совхозлар, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига алоқадор бўлган муассасалар партия ташкилотларига раҳбарлик қилади. Партия комитетлари 60 дан 100 тагача бошланғич партия ташкилотларини бирлаштиради. 16 та қишлоқ район партия комитетлари ва Янгиер шаҳар партия комитетлари ўрнига 9 та ишлаб чиқариш бошқармалари, партия комитетлари ташкил этилади.

Ҳар бир партия комитетида секретарь, унинг икки ўринбосари бўлади. Ўринбосарлар айни вақтда ташкилий ва идеология бўлимларига раҳбарлик қилади. Совхоз ва колхоз партия ташкилотлари билан шуғулланувчи инспектор—партия ташкилотчилари группаси ташкил этилади. Бу группа колхоз ва совхоз партия ташкилотларига энг асосий вазифа — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳал қилишда ёрдам беради.

Ташкил этилаётган ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари ўз ишида КПСС уставининг тегишли қоидаларига амал қилади, уларга район партия комитетлари фойдаланиб келган, барча ҳуқуқлар берилган.

Халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш муносабати билан областда иккита меҳнаткашлар депутатлари область советлари ташкил этиш назарда тутилади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги ва саноат область Советлари тузилади.

Территориал ишлаб чиқариш бошқармаларига мувофиқ 9 та меҳнаткашлар депутатлари район Советларини тузиш назарда тутилади.

Халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта ташкил этилиши партия фаолиятининг барча томонларини активлаштиришга ёрдам беради, ташкилий ва идеология ишларини коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш ва янги кишини тарбиялаш вазифалари билан янада узвий боғлайди. Партия раҳбарлигининг янгича ташкил этишдан асосий мақсад партия куч-ғайратини коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этишдан иборатдир.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини ўрганишни ташкил этишлари ва барча меҳнаткашларнинг коммунистик қурилишда онгли иштирок қилишларини таъминлашлари керак. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини областимиздаги ҳар бир меҳнаткашнинг онги ва дилига етказиш, сиёсий тушунтириш ишларини ҳар томонлама кучайтириш, ҳар бир кишига унинг коммунизмнинг актив қурувчилари қаторидаги ўз роли, ўз ўрнини англаб олишига ёрдам бериш областимиз партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Бунинг учун қоявий таъсир қилишнинг барча воситалари, идеология ишининг барча усуллари—пропаганда ва агитация, матбуот, радио ва телевидение, маданий-оқартув ишларининг ҳаммасидан кенг фойдаланиш керак. Бу ишни юксак қоявий савияда ҳозирги вақтда ҳар бир коллектив олдида турган муҳим вазифалар билан узвий боғлаб ўтказиш керак. Бизга ёт бўлган буржуа идеологияси таъсирига қарши қатъий курашиш, атеистик пропагандани кучайтириш, ёшларимизни сабр-тоқат билан тарбиялашимиз лозим.

Якин кунларда шаҳар партия конференциялари шунингдек территориал ишлаб чиқариш партия ташкилотларининг конференцияларини ва Тошкент область партия конференциясини ўтказиш керак. Бу конференциялар янги раҳбар партия органларини сайлайди.

Партия ташкилотларини қайта тузиш ва партия конференцияларига тайёргарлик ишларини ўтказиш, кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш учун область партия комитетининг ушбу пленумида иккита ташкилий бюро сайлаш керак. Бу бюроларнинг бири саноатга, иккинчиси қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилади.

Тузилган ташкилий бюролар ўз навбатида шаҳар ва район партия комитетларида ташкилий бюроларни тасдиқлайди. Бу бюроларга шаҳарларда ва территориал бошқармаларида партия конференцияларини тайёрлаш ва ўтказиш вазифалари юклатилади.

Якин кунларда янги партия органларини тузиш бўйича ишлар бошланади. Партия, совет ва бошқа кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга оқилона ва эътибор билан муносабатда бўлиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Ўрта Осиё республикалари учун жуда муҳим бўлган тадбир—саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилишига раҳбарлик қиладиган органлар, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюросини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси қардош халқларимизнинг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлашга, Ўрта Осиё экономикаси ва маданиятининг гуллаб яшнашига ёрдам беради.

Ҳеч шубҳа йўқки, область партия комитети пленуми барча область партия ташкилоти партия органларининг структурасини ўзгартириш бўйича тадбирларни бир овоздан маъқуллайдилар ҳамда КПСС XXII съезди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун барча воситалардан кенг фойдаланадилар.

Тошкент область меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори партиямиз XXII съезди қарорларини амалга ошириш учун фидокорона курашиб етти йилликнинг тўртинчи йилида халқ хўжалигини ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Область ва Тошкент шаҳри саноат, транспорт ҳамда алоқа корхоналарининг ходимлари ишлаб чиқариш қувватларини янада оширишлар, техника прогресси, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда дуруст натижаларга эришдилар. Етти йиллик бошидан буён саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 57 процент кўпайди. Бу етти йиллик планда кўзда тутилган ривожланиш суръатларидан юқоридир.

Сўнгги йилларда янги техниканы жорий қилиш ва технология процессларини такомиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Партия ташкилотлари инженерлар ва новаторларнинг куч-ғайратлари билан етти йиллик бошидан буён областимиз корхоналарида жуда кўп поток технология ва конвейер линиялари, юзлаб агрегат, махсус автомат ва ярим автомат станоклар ва бошқа жуда кўп асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Областимиз саноати янги юксак унумли техника воситалари билан тўхтовсиз ускуналанмоқда. Шу туфайли ҳам етти йилликнинг ўтган уч йили ва 11 ойида областимиз саноатида меҳнат унумдорлиги 35 процент ошди. Бу суръат етти йилликнинг контроль рақамларида назарда тутилган суръатдан анча юқоридир. Етти йилликнинг ўтган уч йилининг ҳар бир йилида меҳнат унумдорлиги ўрта ҳисобда планда кўзда тутилган 6 процент ўрнига 8 процентдан ошди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларининг ходимлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни комплекс механизациялаш учун зарур бўлган машиналар яратишда маълум натижаларга эришдилар. Чигитни квадрат-уялаб экиш ҳамда ғўзага икки томонлама ишлов беришда фойдаланиладиган сеялка ва культиваторлар, пахта териш машиналари, кўрак йиғадиган комбайнлар, универсал юк ортгичлар ва бошқа машиналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1962 йилда рангли металлургия корхоналарида ўтган йилдагига нисбатан бир неча процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Олтин-топган қўрғошин-рух комбинатида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича ишлар давом этди. Никита Сергеевич Хрушчев Олмаликда бўлар экан, Олтинтопган комбинати коллективининг рудани қазиб чиқаришда прогрессив усулларни жорий қилиш бўйича олиб бораётган фаолиятига юксак баҳо берди.

Темир йўл ва автомобиль транспорти корхоналари коллективлари ҳам чакки ишлашмаяпти. Ҳаво транспорти янада ривожланди. Транспорт ва алоқа ходимлари меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни яхшиладилар.

Областимизнинг рационализатор ва ихтирочилари ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшдилар. 1959—1962 йилларда ишлаб чиқаришга 52 мингдан ортиқ таклиф жорий қилинди. Бу таклифлар 43 миллион сўм иқтисодий фойда берди.

Умуман олганда областимиз саноати ёмон ишламаяпти. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, саноатда, транспортда ҳали фойдаланилмаётган жуда кўп резервлар бор. Докладчи қолоқ корхоналар ишини танқид қилади.

Сўнгра Ўртоқ Абдураззоқов ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг энг янги ютуқларини, механизация ва автоматизация воситаларини кенг жорий қилишга ёрдам берган илмий тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроларининг иши ҳақида тўхталди.

Аммо илмий тадқиқот институтларида ва конструкторлик бюроларининг фаолиятлари зарур даражада координациялаштирилмаётир, уларнинг фаолиятида параллелизм бор.

Пахта тозалаш бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси пахта тозалаш саноатини ускуналаш учун зарур бўлган кўпгина машиналарнинг техника ҳужжатларини жуда кечиқиб ишлаб чиқмоқда. Шу вақтгача колхоз ва совхозлар далаларидаги пахтани прицепларга ортиш учун зарур механизм конструкция қилинмаган. Жуда кучли муҳтожлик сезилаётганига қарамай ҳали канопни йиғиб олиш ва қайта ишлаш учун машина яратилмаяпти.

Конструкторларимиз яратган айрим машиналар кўплаб ишлаб чиқариш учун мос келмаётир. Бунинг натижасида заводда бундай машиналарни тайёрлаш ва уларни эксплуатация қилишда жуда кўп ўзгартишлар киритиляпти. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг коллективлари ва конструкторлар тайёрланаётган машиналарнинг таннархини камайтириш устида етарли бош қотирмаётирлар.

Конструкторлик бюроларининг коллективлари колхозларда, шунингдек пахта тайёрлаш пунктларида пахтани ортиш ва тушириш ишларини тўла механизациялаш учун зарур бўлган машиналар яратишга эътибор беришлари керак.

Маблағнинг кўплаб бекор сарфланишининг олдини олиш учун қуритиш-тозалаш цехларида тола ажратиб олувчи агрегатларни ўрнатиш масаласи ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бундай агрегатларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш айрим-айрим иккита корхона — қуритиш-тозалаш цехлари ва пахта заводлари учун сарфланаётган маблағга нисбатан жуда ҳам кам маблағ сарфлаш имконини беради.

Пахта тайёрлаш, шу жумладан машиналар билан пахта териш ҳажмининг кўпайиши, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишга ўтиш пахтани қабул қилиш, бунтлаш, қуритиш ва тозалаш шароитларини кескин яхшилайди. Пахта тайёрлаш пунктлари, шунингдек қуритиш-тозалаш цехлари сонини кўпайтириш вақти етиб келди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг энг асосий омилларидан бири меҳнат унумдорлигини оширишдир. Шу йилнинг 11 ойи ичида областимизда меҳнат унумдорлигини ошириш иши бўйича белгиланган топшириқларни бажармаган корхоналар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярлик икки баравар камайди, лекин 36 та завод ва фабрика бу муҳим кўрсаткич бўйича планни бажармади.

Ташкилий-техникавий тадбирларнинг тайёрлаб чиқарилаётган машина ва буюмларнинг кўп меҳнат талаб қилишини камайтириш юзасидан қабул қилинган планларнинг, шунингдек ишлаб чиқаришни қониқарсиз равишда ташкил қилиш ва меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш интизомининг паст даражада эканлиги, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган планларнинг барбод бўлишига асосий сабабдир.

Айрим корхоналарнинг раҳбарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг пишиқ ва чидамли бўлиши учун конкрет чоралар кўрмаётирлар. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноатининг корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ёмон, уларнинг сифатини яхшилаш талаб этилади. 1 ва 2-мебель фабрикалари, 1 ва 2-тикувчилик фабрикалари, Янгийўл ва Чирчиқ пойафзал фабрикалари ва бошқа айрим корхоналар паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамон давом эттирмоқдалар.

Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш ишларида жиддий камчиликлар бор. Бир қатор корхоналар раҳбарларининг айби билан янги ва юқори унумли асбоб-ускуналар узоқ вақтлардан бери ўрнатилмаётир. Ваҳоланки бундай асбоб-ускуналарнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Айрим саноат корхоналарининг фаолиятидаги бу ва бошқа баъзи камчиликлар шунинг учун рўй бермоқдаки, ўша корхоналарнинг раҳбарлари партия ва давлат интизомига амал қилмаётирлар, ходимларга нисбатан юксак талаб йўқ, коллективларни олиндан социалистик мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажаришга сафарбар этмаётирлар.

Айни замонда партия комитетлари ана шу хилдаги камчиликлар билан муроса қилиб келмоқдалар. Баъзибир шаҳар ва район партия комитетлари ишлаб чиқариш экономикасига чуқур аралашмаётирлар, меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ҳамда тарбиявий ишларни яхшилашда бошланғич партия ташкилотларига конкрет ёрдам кўрсатмаётирлар.

Етти йиллик планда область саноатини янада ривожлантиришнинг катта истиқболлари белгиланган. Чорвоқ сув омбори қурилиши тўғрисидаги масала ижобий ҳал қилинди. Бу иншоотни вужудга келтириш областимизнинг сув ҳамда энергетика ресурсларини кўпайтиради. Машинасозлик заводлари, енгил саноат, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари корхоналарининг қувватини ошириш юзасидан катта ишлар қилиш назарда тутилган.

Партия ва совет ташкилотларининг, корхоналарнинг раҳбарлари ва барча ходимларининг вазифаси шундан иборатки, улар саноат ва транспорт ишларидаги камчиликларни тезроқ тугатишлари лозим. Техника прогрессини ривожлантириш билан ҳар доим шуғулланиш керак. Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш. Илғор техникани жорий қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириб бориш унинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш зарурдир.

Докладчи капитал қурилиши масаласига муфассал тўхталиб ўтади.

Етти йиллик ичида областда йирик саноат корхоналари қурилди ва улар ҳозир ишлаб турган корхоналар қаторидан жой олди. 1128 минг квадрат метр уй-жой майдони, 9520 ўринли мактаб ва мактаб-интернат, 5642 ўринли болалар боғчаси ҳамда яслилари, 1136 ўринли даволаш муассасалари ва янги маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектлар қуриб битказилди.

Шаҳарлар ва саноат корхоналарини газлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилди. Областнинг ҳамма шаҳарларига газ ёнил ғи магистраллари келтирилди. Қурилиш материаллари саноати кўп даражада тараққий этди. Цемент ишлаб чиқариш 1958 йилда 272 минг тоннани, 1962 йилда эса Оҳангарон цемент заводининг ишга туширилиши билан областдаги цемент саноатининг қуввати 1 миллион 556 минг тоннага етди ёки қарийб 5,5 марта кўпайди.

Етти йиллик мобайнида капитал қурилиш қатъий равишда индустриал изга тушиб олди. Агар 1958 йилда йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш 155,5 минг кубометрни ташкил этган бўлса, 1962 йилга келиб бу рақам 614 минг кубометрга қадар кўпайди. Темир-бетондан тайёрланган буюмларнинг 10 проценти олдиндан таранг тортилган арматуралардан тайёрланмоқда. Темир-бетон буюмларининг янги хилларини тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Ишончсизлик билан қаровчи айрим кишиларнинг шубҳаларига қарамасдан Ўзбекистоннинг ҳамма ерида бўлгани каби Тошкент областида ҳам йирик панеллардан уй-жой бинолари қуриш муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Уй қуриш комбинатларининг барпо қилиниши уй-жой проблемасини тезлик билан ҳал қилиш учун курашда муҳим аҳамият касб этади.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Марказий Комитетнинг ноябрь Пленумида капитал қурилишни амалга ошириш соҳасида кўрсатиб ўтилган камчиликлар Тошкент областида ҳам мавжуддир.

Етти йилликнинг уч йили ҳамда бу йилнинг 11 ойи ичида капитал қурилишга сарфланган маблағлардан 73 миллион сўми ўзлаштирилмай қолди. Капитал маблағ сарфлаш йиллик плани 11 ой ичида атиги 84,8 процент бажарилди. Шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари 88,1 процент адо этилди. Область меҳнаткашлари етти йилликнинг уч йили ва бу йилнинг 11 ойи ичида 201,3 минг квадрат метр уй-жой майдонини ололмай қолдилар.

Капитал қурилиш планларига ҳозирга қадар лойиҳасиз объектлар қурилиши киритилмоқда ҳамда уларни материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш имкониятлари ҳисобга олинмаётир. Капитал қурилишга ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг самараси шунинг учун камайиб бормоқдаки, бу маблағлар ишга тушириладиган муҳим объектларда тўпланмасдан, балки жуда кўп қурилишларга тарқалиб кетмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришига ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи партия комитетлари капитал қурилиш масалаларига ҳамиша эътибор беришлари зарур. Бу эса коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдаги энг асосий масаладир.

Ўртоқ Абдураззоқов кейинги йилларда йўл қурилиши бўйича катта ишлар қилинганлигини уқтириб ўтади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг якинда бўлиб ўтган сессиясида республикада йўл қурилишини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисидаги масала алоҳида кўриб чиқилди. Область йўл хўжалиги ходимлари автомобиль йўлларини ремонт қилиш ва уни яхши ҳолда сақлашлари, йўл қурилишининг энг мустаҳкам усулларига ўтишлари, йўл қурилиши сифатини яхшилашлари, йўл тармоқларини янада кенгайтиришлари ва бу тармоқларнинг ҳамма шаҳарлар, районлар, корхоналар, колхоз ва совхозларни бирлаштиришига эришишлари лозим.

Совет кишиларининг эҳтиёжларини қондиришда, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда қишлоқ хўжалиги энг муҳим аҳамиятга эга. Партия XXII съездининг, КПСС Марказий Комитети март ва ноябрь Пленумларининг қарорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш масаласларига жуда катта эътибор берилган.

КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик ходимларини, барча совет кишиларини қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун бутун куч-ғайратни сарфлаб меҳнат қилишга даъват этмоқда. Бугунги колхоз-совхоз ишлаб чиқариши — коммунистик қурилишнинг зарбдор фронтидир.

Сўнгра докладчи область қишлоқ меҳнаткашларининг 1962 йилда илган ишларининг айрим якунлари тўғрисида гапиради. Бу йил дейди у, об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлиги область партия комитетининг аъзоларига маълум. Шуни айтиш кифояки, фақат эрта тушган совуклар муносабати билан қишлоқ хўжалик экинларини вегетация қилиш 20 сентябрда, ҳар йилгидаги ўрта муддатдан 32-35 кун илгари тўхтатиб қўйилди.

Область қишлоқ хўжалик ходимлари мавжуд қийинчиликларни енгиб муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар ҳамда жуда кўп маҳсулот турлари бўйича давлат планларини бажардилар.

Давлатга 250 минг тонна каноп пояси сотилди. Бу эса планда кўрсатилганидан 35 минг тонна кўпдир. Сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани ҳам муддатидан илгари адо этилди. Давлатга юз минг тонна сабзавот маҳсулотлари сотилди. Бу ўтган йилдагидан 26 минг тонна кўпроқдир. 1962 йилда давлатга 61 минг тоннадан ортиқ ёки 1961 йилга нисбатан 12 минг тонна кўпроқ полиз экинлари маҳсулотлари сотилди. Кейинги уч йил ичида область хўжаликлари давлатга бугдой, арпа ва шоли сотишни кўпайтирдилар. 1960 йилда 18 минг тоннага яқин дон сотилди. 1962 йилда эса бу рақам 29 минг тоннани ташкил этди. Агар 1960 йилда давлатга 2126 тонна шоли сотилган бўлса 1962 йилга келиб 9 минг тоннадан ортиқ шоли топширилди.

Кейинги йиллар ичида чорвадорлар ҳам бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Бу йил областимиз давлатга гўшт сотиш планини 101,5 процент қилиб бажарди. Қорамолларнинг сони кўпайтирилди. Тухум сотиш плани 115,9 процент қилиб адо этилди.

Кўпгина илғор колхоз ва совхозлар экин майдонлари структурасини қайта кўриб чиқиб, қора молларни яхши озуқа билан таъминладилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришдилар. 4-«Вревский» наслчилик совхози (директори Ўртоқ Аъзамов) катта муваффақиятларга эришди. Совхоз шу йилнинг 11 ойи ичида ҳайдалаётган ҳар юз гектар ҳисобига 105 центнердан (сўйилган вазнда) ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерларнинг ҳар юз гектарига 25 центнердан гўшт етиштирди. Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Абдуллаев) 11 ой ичида ҳайдаладиган ҳар юз гектар ҳисобидан 73 центнердан ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобидан 15,7 центнердан гўшт етиштирди. Янгийўл районидаги «Ленинизм» ва «Шарқ юлдузи», Оржоникидзе районидаги Ленин номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» ва «Правда» колхозлари давлатга гўшт сотиш планини муддатидан илгари адо этдилар. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ортиқов) давлатга гўшт сотиш юзасидан 1963 йилга мўлжалланган йиллик планни 3-4 январда бажармоқчи. Бунинг учун колхозда хозирги вақтда 200 бош йирик шохли қорамол, 25 бош чўчқа, 800 бош қўй ҳамда 1000 бош парранда боқиб семиртирилмоқда.

Бироқ чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг хозир эришилган даражаси область олдига қўйилган вазифаларни бажаришдан ҳали узоқда. Колхоз ва совхозлардаги мавжуд имкониятлардан ёмон фойдаланилаётир. Илғорлар тажрибаси бошқа хўжаликларда яхши жорий қилинмаётир. Кўпгина колхоз ва совхозларда чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида лозим даражада ғамхўрлик қилинмаётир, молларни боқиш топшириқларини бажаришни таъминламаётирлар. Сут етиштириш ишлари ҳам ёмон аҳволда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз докладида озуқа экинлари ва айниқса маккажўхори ва нўхат ҳосилдорлигини ошириш билан суст шуғулланаётганлигимиз учун бизни мутлако хакконий танқид қилди.

Ҳақиқатан ҳам, область бўйича маккажўхори кўкпоясининг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 238 центнерни, ҳар гектардан олинган дон эса 22 центнерни ташкил этади. Ваҳоланки «Политотдел» сингари хўжаликда гектаридан 2 минг центнердан етказиб маккажўхори кўкпояси олинмоқда!

Озуқа эҳтиёжларини ҳисоб-китоб қилишни яна бир марта текшириб кўриш, маккажўхори, дуккакли дон, канд лавлаги ва беда экиладиган майдонларни белгилаб чиқиш зарур. Озуқа етиштирувчи бригадаларнинг раҳбарлари составини якин вақтлар ичида қайтадан кўриб чиқилса, бу вазифага ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор кишиларни танлаб олиш ва уларнинг ўқишини ташкил этилса яхши бўлур эди.

Партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари ҳар бир хўжалик бўйича етиштирилаётган гўшт ва сутнинг таннархи нега юқори эканлигини сабабларини синчиклаб ўрганиб чиқишлари ҳамда чорвачиликни рентабель бошқариш чораларини белгилашлари лозим. Маҳсулот таннархини пасайтириш даставвал чорвачиликдаги оғир меҳнат талаб қиладиган ишларнинг механизациялашуви даражасига боғлиқдир.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, бизда чорвачилик соҳасида ишлайдиган кадрлар ёмон танланган. Областда 1200 дан ортиқ чорвачилик мутахассислари бор. Лекин улардан атиги 32 киши чорвачилик фермаларининг мудирлари бўлиб ишламоқда. Партия комитетларининг секретарлари ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари якин вақтлар ичида ҳар бир мутахассис билан сухбат ўтказиб, ферма ва бригадаларнинг бошлиқлари сифатида доимий ишлаш учун уларнинг энг муносибларини танлаб олишлари лозим.

Чорвачиликни юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг тақдири чорва кишловининг қайҳолатда ўтказилишига кўп жихатдан боғлиқдир. Партия, совет ташкилотлари ва хўжалик органлари қишловни ташкил этишга жиддий эътибор беришлари лозим. Озуқаларни ташиб келтириш, улардан тўғри фойдаланишни уюштириш, озғин молларни кучли озуқа билан боқиш, ремонтни тугаллаш ва биноларни мослаштириш, доимий ветеринария ва зоотехника хизматини уюштириш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор билан қараш керак бўлади.

Барча қийинчиликларга қарамай Қуйи Чирчиқ, Оржоникидзе, Юқори Чирчиқ ва Чиноз районларининг пахтакорлари, 784 бригада коллективлари қаҳрамонона меҳнат қилиб мўл ҳосил етиштирдилар, давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Янгийўл ва Тошкент территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ҳам пахта тайёрлаш планини муваффақиятли равишда адо этдилар.

Биз пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажаришни таъминлаган илғор хўжаликлар дъзоларининг шонли меҳнатини зўр ифтихор билан тилга оламиз. Булар Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь», «Ўзбекистон», «Политотдел», Свердлов номли, «III Интернационал», «Правда», Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, «Ленинград», Красин номли, Чиноз районидаги «Коммунизм», Энгельс номли, «XXI партсъезд», Карл Маркс номли, «Қизил Октябрь», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги». Янгийўл районидаги «XIX партсъезд», «Коммунизм», «Ленинизм», Свердлов номли, «Шарқ юлдузи», Янгиер районидаги «Коммунизм», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, «Полярная звезда», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, «Ленинград», Орджоникидзе номли, Комсомол районидаги Фрунзе номли, Сирдарё районидаги «Ленинград», Пискент районидаги «Гулистон» колхозлари, шунингдек «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Коммунизм» ва «Фарҳод» совхозларидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгашдаги кўрсатмаларини бажара бориб бизнинг кўпгина пахтакорларимиз гектаридан 25 центнердан ҳосил олишга эришдилар. 31 колхоз ва 3 совхоз, 15 та совхоз бўлимлари ва 569 та бригада гектаридан 25 центнердан ошириб «оқ олтин» етиштирдилар.

Областда 24 декабрга қадар давлатга 414 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Бу эса 1960 йилда олинган бутун ҳосилга қараганда 40 минг тонна кўпдир. Бирок биз 1961 йилги даражага эриша олмадик, планда кўрсатилганига караганда 86 минг тоннага якин пахтани кам бердик. Шундай килиб областимиз давлат олдида катта карздор бўлиб қолди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумида қилган докладида бизни бунинг учун тўғри танкид килди.

Илғорлар тажрибаси шундан далолат берадики, барча қийинчиликларга карамай областимиз ҳозир тайёрланганига нисбатан анча микдорда кўп пахта бериши мумкин эди. Область партия ташкилоти ва даставвал обком бюроси ва кўпгина район партия комитетлари пахта тайёрлаш ҳажмини айниқса йиғим-терим даврида кенгайтириш учун мавжуд резерваларни сафарбар кила олмадилар.

Область партия ташкилоти пахтачиликни комплекс механизациялаш бўйича ҳамда унинг энг муҳим тармоғи кисми бўлган ҳосилни механизация ёрдамида йиғиштириб олиш юзасидан маълум ишларни килди. Чигитни квадратуялаб экиш плани, шу жумладан чигитни уяларга аниқ ташлаб экадиган сеялкалар билан экиш плани бу йил анча ошириб бажарилди. Ғўзанинг асосий майдонлари икки томонлама ишланди.

Машиналар билан 87 минг тонна хосил йиғиштириб олинди. Областда илгари машиналар билан шунча микдордаги пахта териб олинган эмас. Бироқ область колхоз ва совхозлари механизация ёрдамида ҳосилни йиғиштириб олиш планини бажармадилар.

Якинда биз Марказий Комитетга 1963 йилда ҳосилни машиналарда йиғиштириб олишни кенгайтириш юзасидан ишлаб чиқаган ўз тадбирларимиз тўғрисида ҳисоб бердик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бизнинг областимиз учун қўшимча равишда пахта териш, кўрак йиғиш машиналари ажратишга қарор килдилар. Бу эса 1963 йилда камида 180 минг тонна пахтани механизация воситасида йиғиштириб олиш имконини беради. Область партия комитети ана шу ҳажмдаги ишларни бажариш учун барча зарур чораларни кўради.

Машина теримига илгари бўлганидек август ойида эмас, балки хозирнинг ўзида тайёргарлик кўришни биз ўз олдимизга вазифа килиб кўймокдамиз. Бу ўринда механик-хайдовчиларни тайёрлаш ва кайта тайёргарликдан ўтказиш назарда тутилади. Шунингдек ҳозирдан бошлабок ҳосили машинада териладиган майдонларни белгилаб олиш ҳамда бу майдонларда экишга тайёргарлик ва бошка ишларни шундай уюштирмоқ лозимки, бунинг натижасида пахта эрта етилсин ва юкори ҳосил олиниши таъминлансин. Бу нарса дефолиацияга эрта кириришш имконини беради, демак машина теримини эрта муддатларда бошлаш учун кулайлик тугдиради. Областимизда ноқулай об-ҳаво шароити эрта бошланишини эътиборга олганда, бу нарса жуда мухимдир. Биз ўз ишимизда йўл кўйилган камчилик ва хатоларни яхши тушуниб турибмиз. Область партия комитети бундан сўсизз зарур хулосалар чиқариб олади ва кишлок хўжалиги йили якунларининг сабоклари назарда тутади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган мактубида баён килинган ҳамда унинг Пленумда килган докладида, шунингдек Пленум карорида кўрсатилган талабларга амал килган ҳолда биз хозирнинг ўзида камчиликларни танкидий нуктаи назардан караб чикмокдамиз.

Партия, совет ва кишлок хўжалик органлари экинлар ва чорвачилик махсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга каратилган тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар. Партия, совет ва кишлок хўжалик аппаратининг колок звеноларини кадрлар билан мустахкамлашга жиддий эътибор берамиз.

1963 йилда 500 минг тоннадан кўпроқ пахта, 230 минг тонна каноп, 181 минг тонна сабзавот махсулотлари, 122 минг 300 тонна полиз экинлари етиштиришимиз лозим. Шунингдек 117 минг 500 тонна картошка, 56 минг 500 тонна узум ва мева, 181 минг 700 тонна дон экинлари, 1250 тонна пилла, 25 минг 300 тонна гўшт, 83 минг 900 тонна сут, 31 миллион дона тухум, 957 тонна жун, 549 минг тонна дагал хашак, 622 минг 400 тонна силос тайёрлашимиз лозим.

Бу вазифаларни бажариш — осон иш эмас Якин вақтлар ичида хар бир бригада ва хар бир чорвачилик фермаси бўйича 1963 йилги конкрет марраларни белгилаб олиш ҳамда белгиланган планларнинг бажарилиши учун тезлик билан ишга киришиш керак бўлади.

Хар бир хўжалик бўйича 1962 йилги якунларни танкидий нуқтаи назардан анализ килиб чиқмок зарур. Планларни бажаришни таъминлашга ноқобил бўлган, ҳар йили катта-катта ваъда бериб ўз сўзининг устидан чиқмайдиган кишиларни бригада ва бўлимларга бошчилик килишдан четлаштирмок зарур. Колхоз ва совхозларнинг рахбарларига нисбатан хам ана шу хилда чоралар кўриш керак бўлади

Бизнинг назаримизда, агрономлар, механизаторлар, пахтачиликнинг тажрибали усталари одатда далачилик бригадаларини бошқармоклари максадга мувофиқдир.

Биз катта кувонч ва мамнуният билан шуни алохида кайд килиб ўтамизки, бригада рахбарлиги лавозимларига аёллар сайлаб кўйилган жойларда планларнинг бажарилиши таъмин этилди. Шунинг учун хам партия комитетлари, ишлаб чикариш бошкармаларининг ходимлари айрим холлларда учраб турадиган колхоз ва совхозлар рахбарларининг каршилигини енгиб бригадирлик лавозимларига бизнинг шонли меҳнаткаш хотин-кизларимизни кўтаришга эришишлари керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг энг яхши ташкилотчиларини колок хўжаликларга доимий ишлаш учун юбормоқ зарур. Хозир бир катор тажрибали ходимлар — Янгийўл территориал бошқармасидаги область партия комитетининг партия ташкилотчиси Умаров, Чиноз район партия комитетининг секретари Антонов, Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари Варасов ва бошка баъзи ўртоқлар қолоқ районларга ишга юборилди. Биз ана шу юксак минбардан туриб Юқори Чирчиқ, Янгий

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Илғорлар тажрибасини, деҳқончиликнинг прогрессив усулларини кенг жорий қилиш ҳосилдорликни оширди. Айрим колхозларни, жумладан Энгельс номли, Димитров номли ва бошқа колхозларда бу йил ҳар гектар ердан олинадиган каноп ҳосили 30—50 центнер ошди.

Район партия ташкилоти кадрларни танлаш ва уларни жойжойига қўйишнинг аҳамиятини назарга олиб, қолоқ хўжаликлар ва бригадаларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Бу ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Буни «Победа» колхози тажрибаси мисолида аққол кўриш мумкин. Бу хўжалик бир неча йиллардан бери қолоқ ҳисобланар. топшириқ ва планларни бажармас эди. Колхоз правлениеси ва унинг бригадаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ишини пухта биладиган, уни севадиган кадрлар юборилди. Ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликка зарур ёрдамни кўрсатиб турди. Натижада колхоз катта ютуқларни қўлга киритди. Каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш икки-уч баравар кўпайди.

Ўртоқ Тоиров колхозлар ва совхозларнинг бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитларида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун олиб борган курашлари тажрибасига кўп эътибор берди. Қишлоқ хўжалик йилига якун ясар эканмиз, районда энг йирик ва илғор пахтачилик хўжалиги Ўзбекистон ССР бешиллиги номли совхознинг тажрибасини ҳисобга олиш керак. Хўжалик комплекс механизацияни, машина терминни жорий қилиш туфайли бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Ўртоқ Тоиров ҳали ҳал қилинмаган масалалар, район партия ташкилоти ва айрим область ташкилотлари ишидаги камчиликлар ҳақида тўхтаб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштиришнинг кўнгилдагидек эмаслигини таъкидлаб ўтди.

— КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми хўжаликка партия раҳбарлигини яхшилашнинг аниқ йўлларини кўрсатиб берди, — дейди ўртоқ Тоиров.— Қуйи Чирчиқ район меҳнаткашлари Пленум қарорларини қатъиятлик билан амалга ошириш учун курашиб, янги йилда пахта, луб, гўшт ва сут, шоли ва озуқа экинларини етиштиришни янада кўпайтиришга эришади.

Янгиер совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **С. Бухоров** ўз сўзида Мирзачўл районларида пахтачиликни ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтди. У қишлоқ хўжалик йилининг дастлабки якунларини анализ қилиб, шуни таъкидладики, пахта тайёрлаш планини бошқарма зонасидаги фақатгина иккита йирик хўжалик бажарди.

Айрим ўртоқлар пахта тайёрлаш планининг бажарилмаслигига ва пахта ҳосилнинг пасайиб кетишига асосий сабаб қилиб бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитини баҳона қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Агар бу рост бўлса биз «Коммунизм» колхози ва «Фарҳод» совхозларида кўп пахта ололмаган бўлар эдик. Янгиер районининг Карл Маркс номли колхози «Коммунизм» колхозининг ёнига жойлашган-ку. Уларнинг шароитлари ҳам бирхил, аммо иш натижалари турлича: бир хўжалик пландан ташқари 1 ярим минг тонна пахта берди, иккинчиси эса планни ҳам бажаргани йўқ. Бу бизнинг кишилар билан айниқса раҳбарлар танлаш иши билан суст шуғулланаётганлигимизни кўрсатади. Карл Маркс номли колхоз шунинг учун ҳам планни бажармадики, хўжалик правлениеси ва партия ташкилоти мавжуд бўлган ички резервлардан фойдаланмадилар, барча колхозчиларни дуч келган қийинчиликларни бартараф этишга сафарбар этмадилар. Худди шундай камчиликлар бошқа бир қанча хўжаликларда ҳам содир бўлди. Бу қатъий хулосалар чиқариш, кадрлар танлашни яхшилаш учун кескин чоралар кўриш лозимлигини кўрсатмоқда. Мирзачўл районларининг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг янги ерларни ўзлаштириш ҳақида қилаётган жуда катта ғамхўрлигини юқори баҳолайдилар ҳамда Мирзачўлни тўкинчилик, гуллаб-яшнаган ўлкага тезроқ айлантириш учун қўлларидан келган барча ишларни қиладилар. Бу ҳақда республика сув хўжалиги министрлиги ҳам қайғириши керак деб ҳисоблаймиз. Министрлик сизот сувларнинг чуқурроқ туширишва ерларнинг шўрини ювиш бўйича ишларнинг суръатини ошириши лозим. Бу шунинг учун ҳам кечиктириб бўлмас масалаки, сизот сувларининг ер юзига яқинлиги ва тузнинг тупроқнинг юқори қатламларига кўтарилиши кўпчилик хўжаликларда кўчатларнинг нобуд бўлишига олиб келяпти.

Мирзачўл хўжаликлари зарарли тузлардан тупроқни ювиш учун жуда кўп вақт меҳнат сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Бу муҳим ишларни ўз вақтида тугатиш учун хўжаликларда ер қазиш машиналари ва қўшимча тракторлар бўлиши керак. Афсуски, «Узсельхозтехника»нинг раҳбар органлари, ҳамда область ва республиканинг бошқа ташкилотлари техникани бўлиб беришда ана шу эҳтиёжни ҳисобга олмаётирлар.

Мирзачўл пахтакорлари олимлардан Мирзачўл экин майдонларидаги бегона ўтларни қириб ташлаш учун эффектив ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган химия воситаларини қидириб топиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича ишлар олиб бориш-ларини илтимос қиладилар. Бизнинг хўжаликларимизда ишчи кучи оз. Шунинг учун ҳам ўтларни қўл кучи билан юлиб ташлаш қийин.

Пахтакор селекционерлар шаънига айтиладиган ҳам таъналаримиз бор: Мирзачўл пахтачиликнинг келажакдаги йирик районидир, унинг ўзига хос хусусиятларидир ҳам бор. Селекционерлар бизнинг хўжаликларимизда тез-тез бўлиб туришлари, маҳаллий шароитларни эътибор билан ўрганишлари ҳамда Мирзачўлда яхши ҳосил берадиган чигит навларини қидириб топиш ҳақида қайғиришлари керак. Афсуски, қишлоқ хўжалик фанлари доктори ўртоқ Дадабоевдан ташқари ҳеч қайси селекционер бизнинг хўжаликларимизда бўлмайди.

Янгиер ишлаб чиқариш бошқармаси зонасидаги хўжаликлар келаси йилда пахта, гўшт, сут, жўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришлари керак. Қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар шубҳасиз янги марраларга эришишга ёрдам беради.

Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **В. В. Окунский** минбарга чиқади.

Ленин район коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини чуқур ўрганмоқдалар, дейди у. Завод ва фабрика меҳнаткашлари Пленум қарорларидан руҳланиб, корхоналарда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритиш учун астойдил курашмоқдалар.

Район завод ва фабрикалар коллективлари саноатда техника прогресси учун қатъийлик билан курашиб, катта ютуқларга эришдилар. Аммо барча коллективлар ҳам ўз ютуқлари билан фахрлана олмайдилар. Ҳали бизда ишлаб чиқариш программасини бажармаётган 9 та корхона бор. 5 та корхона меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини адо этмади. Шуни эътироф этиш керакки, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашга ҳали етарли эътибор берилмаётир, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда, ижрони бажариш устидан контролни ташкил этишда катта камчиликлар мавжуд. Худди шундай камчиликлар биринчи қурилиш-монтаж бошқармасининг ёмон ишлашига сабаб бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, раҳбар ташкилотлар, жумладан халқ хўжалиги кенгашида ишлаб чиқаришни планлаштиришда қўпол чалкашликларга йўл қўйилаётир. Бу эса районимиздаги айрим завод ва фабрикалар ишида камчиликларнинг содир бўлишига олиб келяпти. Масалан, шу йил давомида «Подъёмник» заводининг ишлаб чиқариш плани 6 марта ўзгартирилди. Ана шундай шароитда корхонанинг ритмик ишлашини таъминлаш фавқулодда оғир ва қўлдан келмайдиган ишдир. Айниқса капитал қурилишини планлаштиришда жуда кўп чалкашликлар бор. Буни Тошкентда қурилаётган ёғ-мой комбинати мисолида аққол кўриш мумкин.

Саноат ва қурилишга партия раҳбарлигининг қайта тузилиши шубҳасиз ана шундай камчиликларни бартараф этади.

Янгийўл колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **И. Сотиболдиев** ўз сўзини колхоз ва совхозларнинг КПСС Марказий Комитети март Пленумидан кейинги ишини анализ қилишга ҳамда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми томонидан қишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларга бағишлади.

Янгийўл бошқармасининг колхоз ва совхозлари пахта тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажардилар, каноп пояси ҳосили етиштиришни кўпайтириш бўйича ички резервлардан фойдаланмадилар, барча колхозчиларни дуч келган қийинчиликларни бартараф этишга сафарбар этмадилар. Худди шундай муваффақиятларга барча қишлоқ меҳнаткашларининг, партия ва совет ташкилотларининг зўр ғайрат билан ишлашлари туфайли эришилди. Лекин бу бизда ҳали фойдаланилмаётган резервлар йўқ деган гап эмас. Районларнинг партия ташкилотлари, айниқса Янгийўл район партия ташкилоти кадрлар билан ишлашга, ижронинг бажарилиши устидан эффектив контроль олиб боришга эътибор берганларида янада каттароқ ютуқлар қўлга киритилган бўлур эди.

Ҳар гектаридан 40-50 центнердан пахта ҳосили олган илғор хўжаликлар ва бригадалар билан бирга, бошқармамиз зонасида ҳар гектар ердан кам деганда 25 центнердан пахта ҳосили олишга эришиш бўйича олдимизда турган энг якин ва асосий вазифани бажаришнинг ҳам уддасидан чиқа олмаётган колхоз ва бригадалар кам эмас.

Партия ташкилотлари пахтачилик, чорвачилик ва колхоз-совхоз ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида меҳнат қилаётган илғорлар иш методларини изчиллик билан жорий қилишлари, хўжаликдаги асосий соҳалар ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш учун тинмай курашишлари лозим. Барча қолоқ колхоз ва совхозларни ўз ишини яхши биладиган синалган кадрлар билан мустаҳкамлаш кечиктириб бўлмас вазифадир.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг бригада бошлиғи **Турсуной Раимовага** сўз берилади.

У, ўзининг бригадаси мўл ҳосил олиш йўлида учраган барча қийинчиликларни мардона енгиб ўтиб, олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун саботматонат билан курашганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Фидокорона меҳнат муваффақият келтирди: мўл ҳосил—гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» олинди. Ҳосилнинг каттагина қисми— 80 процентга яқини машиналар ёрдамида териб олинди. Турсуной-нинг ўзи эса машинада 162 тонна пахта терди. Оғир меҳнат талаб қилувчи иш жараёнларини механизациялаш туфайли пахта таннархини камайтиришга эришди.

Келгуси йил, дейди ўртоқ Раимова, бизнинг бригадамиз комплекс механизациялашган бригада бўлади. Бу бригадага ўрта мактабни битириб чиққан қизлар ҳамда илғор теримчилар жалб қилинади. Уларнинг ҳаммаси тракторларни ҳайдашга ўргатилади. Комплекс механизациялашган бригада ҳар гектар ердан камида 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми хўжаликка партия раҳбарлигининг жуда оқилона йўлини белгилади. Шубҳасиз бу коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда янги-янги муваффақиятларга эришиш имконини беради, —дейди «Фарҳод» совхозининг директори **К. Ботиров,**— совхозимиз коллективи бу йилги барча қийинчиликларни муваффақиятли енгиб, пахта тайёрлаш планини бажарди. Бундай ютуқларга эришишда механизаторла р и м и з ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар комплекс механизацияни жорий қилиш, техникадан тўғри ва унумли фойдаланишга бутун кучғайратларини сарф қилдилар. Бригадаларда хўжалик ҳисобининг жорий қилиниши ҳам катта роль ўйнади.

Биз ўтган йилдагига нисбатан 570 тонна кўп пахта бердик. «Оқ олтин» хосилини йил сайин кўпайтириб бориш муқаддас бурчимиздир. Бу йилнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, илғор агротехника билан қуролланган, замонавий машиналар билан яхши таъминланган ва улардан ишни кўзини билиб фойдаланган пахтакорлар учун об-ҳавонинг инжиқликлари кўрқинчли эмас. Ҳамма иш кишиларга, кадрларга боғлиқ, уларнинг топширилган ишга нисбатан виждон муносабатда бўлишларига боғлиқ. Кошелев, Халилов, Тўраев ва бошқа ўртоқлар раҳбарлик қилган бригадалар, техника ва ернинг ҳақиқий хўжайинлари эканларини намойиш қилдилар. Шунинг учун ҳам улар пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар ва ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олдилар.

«Фарҳод» совхози пахтачилик хўжалигидир. Коллективимиз ўз вазифаси фақатгина кўп пахта беришдан иборат деб ҳисобламайди. Шунингдек, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш ҳам муҳим вазифа эканлигини яхши тушинади. Биз гўшт, сут ва жун тайёрлаш планларини ортиғи билан адо этдик. Йиллик планда назарда тутилганидан бир ярим баравар кўп сут соғиб олинди. «Фарҳод» совхозининг чорвадорлари коллективи 1963 йилда бу йилдагига қараганда сут етиштиришни икки баравар, гўшт етиштиришни тўрт баравар кўпайтириш мумкин деб ҳисоблайди. Биз яқин кунлар ичида ерни шудгор қилишни ҳам тугаллаймиз, барча экин майдонларини чигит экишга сифатли тайёрлаб қўямиз.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари **Т. И. Акимова** КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми тўқимачиларнинг меҳнат кўтаринкилигини янада ошириб юборганлиги ҳақида гапирди. Тўқимачилар саноатда партия раҳбарлигининг қайта ташкил этилиши унга малакали, конкрет ва оператив раҳбарлик қилишни, кучларни муҳим хўжалик вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этишни таъминлайди деб ҳисоблайдилар. Партиямиз бошлаган бу тадбир меҳнат унумдорлигининг ошишини тезлаштиради. Меҳнат унумдорлигининг ошиши коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Янги техникани жорий қилиш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг асосий шартидир. Комбинатимизда бу ҳақда жуда кўп иш қилиняпти, аммо шу билан бирга камчиликларимиз ҳам бор.

Сўнгра ўртоқ Акимова ишлаб чиқаришни планлаштиришни тубдан яхшилаш, планнинг барча миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича бажарилишига эришиш ҳақида гапиради.

Шундан сўнг сўз Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг партия ташкилоти секретари **К. Ким**га берилади. У қишлоқ хўжалик артели меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини зўр қониқиш билан кутиб олганликлари ҳақида гапиради. Пленумда қабул қилинган тарихий қарорларни муҳокама қилиш, колхозчилар ўртасида меҳнат активлигини кучайтириб юборди. Улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларини ривожлантиришда янада катта марраларга эришишни мўлжаллаб қўйганлар. Бу марралар аслини олганда жуда катта марралардир! — деб кўрсатиб ўтади, зўр ифтиҳор билан ўртоқ Ким.

Қишлоқ хўжалик артели бу йил барча кўрсаткичлар бўйича белгиланган топшириқларнинг уддасидан муваффақиятли равишда чиқди. Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари бажарилдигина эмас, балки ошириб ҳам бажарилди. Бунга қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ўтказилган катта ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишлар, ҳарбир колхозчи билан астойдил шуғулланиш, моддий манфаатдорлик принципига оғишмай амал қилиш туфайли эришилди.

1962 йил, деб давом этади ўртоқ Ким, — ғўза парваришини тўла механизациялаш учун қатъий қадам қўйилган йил бўлди. Барча ҳосилнинг 40 проценти машиналар ёрдамида териб олинди. Бу эса колхозга меҳнат сафлари ва маблағларни кўплаб иқтисод қилиш учун қулайлик туғдирди.

Келгуси йили ҳосил ва келгуси муваффақиятларнинг гарови, деб таъкидлаб ўтади нотиқ. — кеча ва бугунги кунда тайёрланмоқда. Экин майдонларимизнинг ҳаммаси шудгорлаб қўйилган. Февраль ойнинг ўрталарига бориб техника ремонтини ирригация-мелиорация ишларини, планлаштириш ва бошқа ишларни тўла тугаллаймиз. Булар қишки экиш арафасидаги тадбирлар комплексини ташкил этади. Янги йил шубҳасиз бизнинг қишлоқ хўжалик артелимизга янада катта муваффақиятлар келтиради.

Ўртоқ К. Ким пахта тайёрлаш пунктларидаги транспортировка воситалари қувватини ошириш тўғрисидаги масалани ўртага қўяди. Бу пунктларнинг техника билан дурст жиҳозланмаганлиги навбат кутишларни, кўп вақтни бекорга сарфлаш ва оқибатда пахта тайёрлаш суръатларини камайтиришни келтириб чиқаради. Бу чораларни пахта териш мавсуми бошланишини кутиб ўтирмасдан ҳозирнинг ўзидаёқ амалга ошириш керак.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари асосида область комсомол ташкилотларининг структурасини қайта қуриш, ёшларнинг меҳнат соҳасидаги шонли ишлари, уларнинг етти йилликнинг бешинчи йилида амалга ошириши керак бўлган вазифалар тўғрисида область комсомол комитетининг секретари **Б. Тошхўжаев** ўз нутқида гапирди берди.

Областда 2 та мустақил область комсомол комитети тузилади. Улардан бири саноат, қурилиш ва транспортда машғул бўлган ёшлар ўртасида иш олиб боради. Иккинчиси эса, қишлоқ ёшлари ўртасидаги ишларга раҳбарлик қилади. Ҳарбир колхоз, совхоз бошқармаси ҳузурида комсомол комитетлари тузилади.

Тошкент область ёшлари анчагина яхши ишларни қилиб қўйдилар. 5 минтга яқин ёш ишчилар ҳозирнинг ўзидаёқ 1963—1965 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Ўн минглаб йигит ва қизлар техника прогресси учун юришда, ёш мутахассисларнинг жамоатчилик кенгашларида, конструкторлик бюроларида ҳамда комсомол прожекторлари штабларида қатнашмоқдалар.

Ёшлар қишлоқ хўжалигининг барча хил маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва биринчи навбатда пахта етиштиришни кўпайтириш учун катта ишлар қилмоқдалар. Ғўза парваришининг ва далдаги ҳосилни йиғиб-териб олишнинг ҳамма босқичларида қатъий комсомол назорати ўрнатилмоқда. Комсомол-ёшлар пахтакорлар ўртасида яхши мақтовларга сазовор бўлдилар. Ёш пахтакорлар ҳамда механизаторлар мўл ҳосил олиш учун ва олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Областимиз пахта тайёрлаш ва уни давлатга сотиш планини бажара олмаганлигига областдаги комсомол ташкилотлари ҳам айбдордирлар. Бунда биринчи навбатда область комсомол комитети ва унинг бюроси айбдор бўлиб, улар ёшларнинг куч-ғайратини олдимизда турган катта вазифаларни ҳал қилишга чинакам сафарбар қила олмадилар.

Ҳозирги вақтда областдаги комсомол ташкилотлари пахтачиликни янада ривожлантиришдан иборат, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал қилиш учун янги кучғайрат билан чинакамига ишга киришдилар. Область комсомолларининг биринчи навбатдаги вазифаси пахта етиштиришни комплекс механизациялаш учун курашда бундан буён ҳам актив қатнашишдан иборатдир. Ҳарбир йигит ва ҳарбир қиз механизаторлик касбини эгаллаб олмоғи лозим. Область комсомол ташкилотлари ўз олдиларига ана шу вазифани қўйдилар. Бу вазифа сўзсиз бажарилади.

Шаҳар атрофидаги зонада жойлашган колхозлар зиммасига,— деди ўз нутқида Калинин районидаги «XX партсъезд» колхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи **Қ. Азимов,**—республика пойтахти меҳнаткашларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мажбурияти юклатилган. Қишлоқ хўжалик артелимизнинг аъзолари бу соҳадаги ўз вазифаларини яхши ҳис қилганлари ҳолда, ана шу вазифаларнинг уддасидан чиқиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Давлатга гўшт, сут, картошка, сабзавот маҳсулотлари, мева ва боғдорчилик маҳсулотлари сотиш планлари бажариб қўйилди. Маҳсулот таннархи кўп даражада пасайтирилди. Яна шуни ўқтириб ўтишга тўғри келадики, колхозимиз меҳнаткашлари эришаётган муваффақиятларнинг калиди одамлар билан ишлашда, илғор агротехникани жорий қилиш ҳамда барча қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришни механизациялашдадир.

Колхозчиларимиз бу йилги вазифаларни аъло даражада бажариб, келгуси йилги муваффақиятлар учун ҳозирданоқ асос қурмоқдалар. Мен ушбу пленум минбаридан туриб шуни айтмоқчиманки,— дейди ўз нутқининг охирида нотиқ,— қишлоқ хўжалик артелимиз келаси йил учун олган янги ва юксак мажбуриятлар ҳам ошириб бажарилади.

Пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг бош инженери **Е. Радкевич** минбарга чиқади. Етти йилликнинг тўрт йили мобайнида,— дейди у, республика лойиҳалаш, илмий-текшириш ташкилотлари, машинасозлик корхоналари қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантиришда катта ишлар қилдилар. Ғўза парваришини комплекс механизациялаш парклари бутунлай қайтадан жиҳозланди. Ҳозирги вақтда механизация воситаларидан тўла ва муваффақиятли равишда фойдаланиш туфайли меҳнат унумдорлигини 4—5 марта ошириш, ҳарбир тонна пахта учун сарфланадиган меҳнат харажатларини 8—10 киши кунига камайтириш мумкин бўлади.

Сўнгра нотиқ лойиҳалаш ва илмий-текшириш ташкилотлари ишидаги бир-биридан ажралиб қолишлик, улар фаолиятидаги кераксиз ҳамда зарарли параллелизмни қаттиқ танқид қилади. Масалан, ҳозирги вақтда пахта териш машиналарини лойиҳалаш иши билан давлат махсус конструкторлик бюроси, «Ташсельмаш» заводининг конструкторлик бюроси ва ҳаттоки Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг механика институти ҳам шуғулланмоқда. Бу йил битта тракторга осиладиган ана шу хилдаги машиналарнинг уч тури давлат синовидан ўтказилди. Бу машиналар бирхил принципда ишлайди ва улар оммавий равишда ишлаб чиқариш учун яроқсиздир.

Мамлакатимиздаги кўпгина давлат махсус конструкторлик бюролари боғдорчиликдаги ишларни механизациялаш проблемалари устида ўн йиллаб ишлаб келмоқдалар. Бироқ, бизда фақат бу йил шундай хусусиятга эга бўлган ўз конструкторлик бюромизни яратишга қарор қилинди.

Уруғчилик станциясининг директори **С. Канаш** ўз нутқини пахтанинг эрта пишар юқори ҳосилли сортларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш масаласига бағишлади. Кейинги йилларда республика олимлари,—деди у, пахтанинг янги, энг яхши навларини яратдилар. Бу навлардан Ўрта Осиё республикаларининг турли зоналарида муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ бизнинг республикамизда ана шу навлар учун 262 минг гектар суғориладиган ер ажратиб қўйилган. Лекин бу ҳали жуда оз. Пахтанинг тез пишар навларини ҳамма жойда дадиллик билан жорий қилиш лозим. Бу навлар ғўза парваришини, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва ерларни экиш олдидан ишлаш юзасидан қилинадиган қарама дала ишлари циклини ўз вақтида ўтказишга имкон беради. Нотиқ пахтанинг тез пишар навларига ўтишнинг қалдирғочлари бўлган Юқори Чирчиқ район пахтакорларини мисол қилиб келтиради. Улар уч йилдан буён пахтани ялпи йиғиб олишни тугалламоқдалар, республикамиздаги бошқа районларга нисбатан анча барвақт, октябрь ойидаёқ давлатга пахта сотиш планини бажариб келмоқдалар. Юқори Чирчиқ районида шу давр ичида ҳар гектар ердан йиғиштириб олинган пахтанинг ҳосилдорлиги 5—7 центнерга ошди. Бунга ерни экиш олдидан яхши ишлаш, бутун дала ишларини ўз вақтида тугаллаш туфайли эришилди. Пахтанинг тез пишар навлари бизга шу имкониятларни берди. Бу соҳада концерватизмга кескин зарба бериб, уни тугатмоқ лозим. Шунингдек олинаётган толанинг сифатини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш керак. Шу муносабат билан ўртоқ Канаш фақат етиштирилаётган пахтанинг ҳажмигагина қараб эмас, балки толасининг сифатига қараб ҳам хўжаликларга топшириқлар беришдан иборат мажбурий практикани жорий қилиш масаласини ўртага қўяди.

Бошқа бир ғоят муҳим масала, дейди ўз нутқининг охирида нотиқ, эски навларни машина теримига яхши мослаштирилган янги навлар билан алмаштириш масаласидир.

Сўз Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг чорвачилик бригадаси бошлиғи **Р. Бўроновага** берилади. У, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари муносабати билан колхоз аъзолари ўртасида вужудга келган катта меҳнат ғайрати ҳақида гапиради. Бизнинг бригадамиз илгари ҳам яхши ишлаб келган, дейди машҳур сут соғувчи, ҳозир эса биз коммунистик мўл-кўлчиликка кўпроқ ҳисса қўшиш учун янада дурустроқ меҳнат қилишга бел боғладик. Келаси йилнинг январь ойидаёқ сут етиштириш бўйича йиллик планни камида 50 процент қилиб бажарамиз. Бригадамиз бунга қандай қилиб эришмоқчи? Бунга асосан барча оғир меҳнат талаб қилувчи иш жараёнларни тўла механизациялаш туфайли эришамиз. Сигирларни соғиш ем-хашак тайёрлаш ва транспортировка ишларининг барчаси механизациялашади.

Пленум қатнашчилари Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси **А. Ортиқов**нинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Бу машҳур хўжалик пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан йил сайин мўл ҳосил олиб келмоқда. чорвачиликни тез суръатлар билан ривожлантирмоқда. Қишлоқ хўжалик артелида катта ҳажмда хўжалик, маданий-маиший ҳамда уй-жой қурилишлари олиб борилмоқда. Колхозчиларнинг даромадлари кўпайди. Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Гап шундаки, колхоз раҳбарлари ва барча колхозчилар хўжаликни яхши бошқаришни, вакт, меҳнат ва тийиннинг қадрига етишни ўрганиб олдилар. Бу ердаги ишлар соҳасида мавсумийлик бўлмайди. Хўжаликнинг ҳамма тармоқларидаги ишлар бутун йил бўйи амалга оширилади. Бу ҳам ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Масалан колхозда қорамоллар бутун йил давомида боқилади ва улар яхши семиртирилган ҳолда давлатга топширилади. Бу нарса йирик шохли уч қорамол ўрнига иккита қорамол топшириш имконини беради. Қарамоллар сонининг кўпайиб бориши ҳам шунинг бойисидандир. Кишилар ўртасида тарбиявий ва ташкилотчилик ишларини олиб бориш ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга албатта.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** катта нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Қарорда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми тўла маъқулланиб, Тошкент область халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш ва яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган.

Шунингдек 1963 йил январь ойида область партия конференцияларини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум ишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Н. В. Мартинов иштирок этди.

РЕСПУБЛИКАДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Мазкур программанинг бажарилиши асосий автомобиль йўллари шохобчасининг техника ҳолатини юк оборотининг мўлжалланаётган ўсишини ҳисобга олган ҳолда тубдан яхшилашни, саноат ва қишлоқ хўжалик районлари, колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари ва область марказлари ўртасидаги транспорт алоқасининг пухта бўлишини таъминлайди.

3. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳамда бошқа министрликлар ва бошқармалар зиммасига 1963 йилдан бошлаб, тайёрлаш пунктларига, совхозларга, саноат, транспорт ва қурилиш корхоналарига ҳамда бошқа корхоналар ва хўжалик ташкилотларига олиб борадиган ва тош-шағал ётқизилган тармоқ йўллари қурилиши учун зарур маблағлар ажратишни назарда тутиш вазифаси юклансин, токи бундай йўлларни ободонлаштириш иши 1965 йилдан кечиктирмай асосан тугалласин.

4. Колхозларга олиб борадиган тармоқ йўллари қурилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли колхоз правлениеларига ишлаб чиқариш ва молиявий планларда бу мақсадлар учун тегишли маблағлар ажратишни кўзда тутиш ва шу билан бу йўллар қурилишини 1963—1965 йилларда, жумладан Андижон, Фарғона, Тошкент ва Сурхондарё областларида 1963 — 1964 йилларда, Самарқанд, Бухоро, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда 1963—1965 йилларда қуриб битказиш тавсия этилсин.

Каттақўрғон области колхозларининг колхоз ички йўлларини ободонлаштириш ишларини 1963 — 1964 йиллар мобайнида тугаллаш соҳасидаги ташаббуси маъқуллансин.

Меҳнаткашлар депутатлари область, район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг зиммасига бу қимматли ташаббусни республиканинг барча колхозларига кенг ёйиш вазифаси юклансин.

5. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига колхоз ва совхозларнинг ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг таклифларига мувофиқ, ички хўжалик йўллари қурилиши программасини муҳокама қилиш ҳамда бу ишлар программасини якин икки-уч йил ичида сўзсиз бажаришга эришиш вазифаси топширилсин.

6 Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1959 йил 4 мартдаги ва 1962 йил 3 сентябрдаги Фармонларининг оғишмай бажарилиши учун, жалб қилинаётган ресурслардан тўла ва самарали фойдаланилиши ҳамда бу ресурсларнинг энг зарур объектларга жалб этилиши учун, колхоз ва совхозларнинг йўл ишларида, одатда, бевосита иштирок этишига эришиш учун барча зарур чораларни кўриш, кўп меҳнат талаб қиладиган ва огир ишларни механизациялаш учун техникадан тўла ва тўғри фойдаланиш вазифаси юклансин,

7. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ҳамда жойлардаги йўл органлари зиммасига:

а) йўл хўжалигини янада ривожлантириш ва техника жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан конкрет ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

б) йўл ташкилотларининг асосий эътиборини қурилиш ва ремонт ишларининг сифатини ошириш масалаларига жалб этиш; қурилаётган ва реконструкция қилинаётган йўлларнинг сифати ва хизмат қилиш муддатини, шунингдек ўтказиш қобилиятини оширишни таъминлайдиган зарур тадбирларни амалга ошириш;

в) йўл қурилишидаги ишларни ташкил этишнинг прогрессив методларини кенг жорий қилиш, автомобиль йўлларини ремонт қилиш ва сақлаш хизматини ташкил этишни тубдан яхшилаш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш, йўл қурилиши ишларини проектсмета ҳужжатлари билан таъминлашда, маҳаллий йўл-қурилиш материалларидан фойдаланишни ташкил этишда колхоз ва совхозларга ҳамда бошқа хўжалик ташкилотларига ўз вақтида амалий ёрдам бериш;

г) йўлларни проектлаш, қуриш, ремонт қилиш ва сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантиришни таъминлаш, бунда йўл хўжалигида йўл ва иншоотларнинг янги прогрессив конструкцияларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш вазифаси юклансин.

8. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига йўлларни қўкламзорлаштиришга, асосан, мевали ва ёнғоқ дарахтлари ўтказишга, йўлларни автомобиль павильонлари ва йўл белгилари билан таъминлашга, магистрал автомобиль йўллари ўтган қишлоқ кўчаларига йўлкалар қуришга, йўлларни бузилиш

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

ҚУРУВЧИ ОЛИМЛАР ҲУЗУРИДА

Бундан уч йил муқаддам Тошкентда ташкил этилган СССР қурилиш ва архитектура фанлар академиясининг ижодий коллективи замонавий турар-жой бинолари, шу билан бирга зилзилага чидамли биноларнинг типовой проектини лойиҳалаш, маҳаллий хомашёдан қурилишлар учун янги, чидамли материаллар тайёрлаш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш соҳасида Иттифоқ миқёсидаги тадқиқотларини давом эттириб, бу соҳада анчагина яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Мана, биз қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ана шу муассаснинг илмий лабораторияларидан бири—қурилиш материалларини физик ва кимёвий томондан текшириш лабораториясидамиз. Институтнинг бу лабораторияси асосан қурилишларда черепица сифатини яхшилаш ва унинг оғирлигини камайтириш, ғишт ўрнига керамик блоклар ишлатиш, темир-бетон қоришмаси орасига иссиқлик ва совуқлик таъсирини ўтказмайдиган тўғ жинсларини қўлланиш, маҳаллий ресурслардан ғовакли енгил бетонлар тайёрлаш масалалари билан шуғулланади.

— Лабораториямизда маҳаллий хомашёдан минерал пахта тайёрлаш соҳасида катта илмий тадқиқот олиб борилган эди. Яқинда илмий ишимизга якун ясадик, — дейди лаборатория мудири, техника фанлари кандидати ўртоқ Саъдулла Бакович, — бизда асосан қурилишларда ишлатиладиган темир-бетон плиталари орасига минерал пахта ишлатилади. Минерал пахта совуқни ўтказмайди, ичкаридан иссиқликни чиқармайди. Биз илгари бундай минерал пахталарни Украина, Белоруссия ССРдан олиб келардик, бу албатта бизга қимматга тушарди. Узоқдан келтирилаётган бу минерал пахтани ҳозир Олмалиқ соз тупроғидан арзон нархда тайёрлаш мумкин эканлигини аниқладик. Ўз маҳаллий хомашёмиздан тайёрланган плиталарни ишлатиш туфайли ҳар йили бир неча 100 кубометр темир-бетон, ғишт, цемент материалларини иқтисод қилган бўламиз. Ҳозирги кунда Тошкент уй қуриш комбинатида ана шу таклиф бўйича бир йилда 50 минг кубометр минерал пахта тайёрлаш истиқболи борлиги аниқланди. Бу ўз навбатида 200 га яқин 4 хонали уй плитаси тайёрлаш демакдир.

Бундан ташқари лаборатория старший илмий ходими Н. Расулев қурилишлар учун ғоят зарур бўлган тоғ жинсларидан сифатли керамзит тайёрлаш мумкинлиги тўғрисида бизга сўзлаб берди. Ҳозирги кунда илгари лой тупроқдан тайёрланаётган сифатсиз керамзит ўрнига эндиликда тоғ жинсларидан ва бентонит тупроқдан сифатли керамзит олинмоқда. Ёш олим Н. Расулев кўрсатмаси асосида ҳозир Чирчиқ шаҳридаги темир-бетон заводининг керамзит цехи Самарқанд областидаги гильтупроқли сланецдан кўплаб керамзит ишлаб чиқармоқда. Самарқандда топилган сланец запаслари Иттифоқимиз темир-бетон заводларини кўп йиллар давомида керамзит билан таъминлаб туради.

Лаборатория олимлари қаттиқ бетон аралашмалари технологиясини ўрганиш, маҳаллий лой ва сланецдан енгил бетонлар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларини давом эттириб, Москва, Киев, Минск темир-бетон заводлари билан ҳамкорликда қизиқарли тажрибалар ўтказмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси қурилишларимизнинг арзон ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Х. ШАРИПОВ.

Суратда: (чапдан) лаборатория илмий ходимлари Н. Расулев ва Р. Шайзода минерал пахта сифатини аниқламоқдалар.

В. Салов фотоси.

Овчи блокнотидан

СВЕРДЛОВСК. (ТАСС). Уралнинг Невьянск шаҳри яқинидаги Кунар қишлоғи қадимий қалин ўрмонзорлар оралиғига жойлашган. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги овчилар авлодидан ҳисобланади. Улар Иван Васильевич Ворошилов воқеасига ўхшаган ажойиб ҳодисани умрларида эшитмаган бўлсалар керак.

Иван Васильевич ўн тўрт ёшлик ўғли Евгений билан ўрмонга овга чиқиб кетади. Тез орада овчи итлар чакалакзорда ётган она айиқни ўрнидан қўзғатиб юборишади. Овчи айиқни пойлаб туриб отган эди, ўқ уни яралади, холос. Қутирган ҳайвон ҳеч нарсани писанд қилмасдан, синиб ётган арча шохлари орасидан чиқиб овчига ташланди. Лекин овчи иккинчи бор ўқ узиб, уни йиқитди.

Қувониб кетган ота-бола йиқилиб ётган айиқ томон югуриб боришди-да, ўлжаларининг уёқ-буёғини кўздан кечириша бошлади. Шохларнинг қутилмаганда яна шитирлаши ва итларнинг вовуллаши уларни хавотирлантириб қўйди. Шу пайт овчилардан бир неча қадам нарида синиб ётган дарахт орқасидан бирданига учта айиқ чиқиб келди. Жасур овчилар саросимага тушмасдан ҳайвонларга қарата ўқ уза бошладилар. Икки айиқ мерган овчининг ўқи билан йиқилди. Учинчиси бўлса дарахтзор ичига қочиб кетди.

Овчилар эртасига тўртинчи айиқни ҳам ўлдирдилар.

БИРИНИНГ ГЎШТИНИ БИРИ ЕБ...

Бу ҳодиса ҳатто энг тажрибали овчиларни ҳам ажаблантириб қўйди... Улар қишлоқ яқинига тез-тез келиб турадиган икки айиқ изидан боришарди. Изларидан маълум бўлишича ҳайвонлар жим юришмаган, ўзаро олишишганга ҳам ўхшайди, чунки қордаги излар қон аралаш босилган.

Овчилар шу ердаги бир пастқам ердан айланиб ўтишгандан кейин изнинг ёлғизланганини, кейин эса баҳайбат жуда катта айиқнинг ўзини кўриб қолишди. Нишонга яхши олиб отилган икки ўқ уни ўрнида йиқитди. Айиқнинг териси шилиниб, қорни ёрилгандан сўнг овчилар ажабланганларидан бақириб юборишаётган. Унинг қорнидан ҳозиргина ейилган янги айиқ гўшти чиқди. Овчилар ана шундан сўнг иккинчи айиқнинг қаёққа йўқолганини билиб олишди. Улар яна изларига қайтиб бироз юришгандан кейин ўша ерда уюлиб ётган шохлар тагидан йўқолган айиқ гўштининг қолдиғини топиб олишди.

Ҳатто бундай ҳодисалар бўриларда ҳам жуда камдан-кам учрайди. Агар бўрилар ўз туркумидаги яраланган ёки касалланган бўри гўштини қаттиқ оч қолган пайтдагина ейиши ҳам жуда камдан-кам учрайди.

П. МИХАЛЕВ,
Иркутск областидаги Тулунск райони.

ҚИЗҒИН ОЛИШУВ

Телевизор

26 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида. 18.00 — **Бахт ва дўстлик ҳақида куйлаймиз** (мактаб ўқувчилари учун). 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.50 — **Фан ва техника** киножурнали.

Ўзбек тилида. 19.00 — **Нурхон** спектакли (Муқимий номли театрдан), танаффус вақтларида — **Телевизион янгиликлар** ва **Волейбол бўйича Жаҳон чемпионати** (телевизион очерк).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Фрунзе телевидение студияси эшиттиришлари: 18.00 — **Мультипликацион фильм** (болалар учун), 18.10 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Уруш ва тинчлик** (Л. Н. Толстой романидан парчалар), 18.55 — **Инглиз тили дарси**, 19.25 — **Алла** номли бадиий фильм, 21.00 — **Илғор тажриба мактаби**, 21.15 — **Телевизион янгиликлар**, 21.25 — **Комсомольск** номли бадиий фильм.

Театрлар

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/XII да **Марварид қидирувчилар**, 27/XII да **Кашмир қиссаси**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —26/XII да **Тобутдан товуш**, 27 ва 28/XII да янги спектакль **Қўзғунлар** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/XII да **Нурхон**, 27/XII да **Равшан ва Зулхумор**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА—26 ва 27/XII да Ўзбек давлат эстрадаси солистлари **Фахриддин Умаров концертлари**. Кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилган

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта **Зинаида Тарасова** раҳбарлигида **Янги аттракцион** ва **Украина цирки артистлари гастролининг давоми**. Кеч соат 7 яримда бошланади.

Кино

Қалб адашади —«ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Ялангоч орол — «ВАТАН» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 2, 4 ва кеч 10 да)

Олижаноб кишилар орасида — «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

3 % ЛИ

Давлат ички ютуқ заёми

ОБЛИГАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА
40 сўмдан 10.000 сўмгача

ЮТИШ МУМКИН

Заём бўйича ҳар йили олти марта асосий ва бир марта қўшимча ютуқ тиражлари ўтказилади.

Асосий тиражларда чиққан ютуқлар облигациянинг омонат кассадан қачон сотиб олинганидан қатъий назар тўланади.

Қўшимча тиражларда чиққан ютуқлар қўшимча тиражнинг ўтказилиш кунидан камида тўққиз ой илгари сотиб олинган ва ёнида тегишли талони бўлган облигацияларга тўланади

Заём облигациялари 1963 йил 1 январгача

16-сон талон билан сотилади.

Бу талон 1963 йил 30 сентябрда Ленинград шаҳрида бўладиган ўн олтинчи қўшимча тиражда қатнашиш ҳуқуқини беради.

Шу заём облигациялари бўйича ютиш эҳтимоли ҳар бир тираж ўтказилган сайин оша боради. Чунки тиражларда ўйналадиган ютуқлар сони заём муддати тугаганга қадар ўзгармайди, ютган облигациялар эса бундан кейинги тиражларда қатнашмайди.

3% ли заём облигациялари омонат кассаларда сотилади ва бемалол сотиб олинади.

3% ли Давлат ички ютуқ заёми облигацияларини 16-сон талони билан сотиб олинг!

Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

ГЕННАДИЙ НЕГА СУРГУН ҚИЛИНДИ?

Геннадий Писцов эндигина 30 ёшга тўлди. Тоғни урса талқон қилади. Кўч-қуввати жойида. Қўлида гулдек ҳунари ҳам бор — у шофер. Лекин Геннадий кейинги вақтда текинхўрлик кўчасига кириб олди. Ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товлади: Бирон ерда ёлчитиб ишламади.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, деганларидек, Геннадий ҳам ичкиликка муккасидан кетди. Доим маст-аласт бўлиб, текканга-тегиб, тегмаганга кессак отди, безорилик қилабошлади. Уйда онаси ва хотини ҳам ундан безор бўлишди. Маҳалла активлари эса Геннадийни тарбиялашга жуда кўп ҳаракат қилишди. Уни бирнеча маротаба коллектив ўртасида муҳокама қилдилар. Бу ҳам фойда бермади.

Яқинда Октябрь район халқ суди Геннадий яшаб турган «Бирлик» маҳалласи ҳузуридаги Қизил чойхонада маҳалла меҳнаткашлари иштирокида уни очиқ суд қилди. Маҳалла аҳолиси номидан сўзлаган У. Муҳамедов, Х. Бойматов, милиция капитани Л. Хусаинов ўртоқлар Г. Писцовнинг қилмишларини қаттиқ қораладилар. Уни маҳалладан чиқариб юборишни талаб қилдилар.

Маҳалла меҳнаткашларининг фикрини ҳисобга олган халқ суди текинхўр Геннадий Писцовни 5 йил муддатга Тошкентдан чиқариб юборишга қарор қилди

М. ЗОКИРОВ.

Завод кутубхонасида

Завод ҳузуридаги техника кутубхонаси ишчи ва хизматчиларга намунали хизмат қилмоқда. Корхонанинг ҳар бир ишчиси ҳар бир ходими ҳам бу кутубхона хизматидан кенг фойдаланаётир. Тушки овқат пайтларида ва ишдан кейин китоб қўлтиқлаган турли касбдаги кишиларни кутубхона йўлида учратасиз. «Йўл бўлсин» десангиз, бошқасига алмаштириб келай, бунисини ўқиб бўлдим» деб жавоб беради.

Ҳозир «Ташсельмаш» заводининг 34 минг нусха китоб фондига эга бўлган техник кутубхона ўқувчиси 2400 кишига етди.

Кутубхонанинг китоб фонди кун сайин кўпайиб бормоқда, бу ерга ҳар ойда 60 сўмликдан янги китоб келтирилиб турибди.

С. ТЎЛАЕВ.

Спорт

ШАХМАТ РЕПОРТАЖИ

ЯХШИЛИК КЕЛТИРМАГАН ЯНГИЛИК

Шахмат — ақл-идрок ўйини, деб бечиз айтишмаган. 64 хонадаги 32 донанинг ўрин алмашишидан шундай кўп турли-туман позиция вужудга келадики, унинг саноғига етолмайсиз. Айтайлик, секундига бир миллион операция бажарадиган электрон-ҳисоблаш машинасига эгамиз. Агар шахмат тахтасидаги барча доналар сақланган бўлса-ю, ундаги ҳамма имкониятларнинг оқибатини аниқ билиш зарур бўлиб қолса, ҳалигидек машина роппа-роса етти йил ишлаши керак бўлади! Ҳа, шахмат ана шундай мураккаб ўйин. Бу ўйин санъат даражасига кўтарилган ҳозирги пайтда уни пухта эгаллаганлар миллион-миллион имкониятлар орасидан энг керакли бўлган бир нечтасини танлаб олиш ва улар устида яшин тезлигида фикр юритиш қобилиятига эгадирлар. Амалий ўйинларда синовдан яхши ўтган юришлар — вариантлар шахмат назариясини ташкил этади.

Пойтахт биринчилиги учун бошланган финал мусобақаларнинг иккинчи турида мастерликка кандидатлар И. Бирбрагер билан А. Хасидовский учрашиб, фарзин гамбити қўлланди. Оқ доналар билан ўйнаган Бирбрагер 6-юришда рокировка қилиш ёки иккинчи отини ўйинга чиқариш ўрнига фарзини билан ҳужумга отланди. Унинг дебют назариясига киритган бу «янгилиги» ўзини оқлама-ди. Хасидовский бир пиёдасини қурбон қилиб, барча доналари билан қулай позицияларни эгаллаб олди. Бирбрагер учун пассив ҳимояга ўтишдан ўзга чора қолмади. Кўп ўтмай «янгилик»нинг «чанги» чиқиб кетди. Шаҳар чемпиони Хасидовский муҳим очкони қўлга киритди.

Лазарев Мухинга, Швец Рудерферга ютқазди, Шварцман-Шахзода, Қосимов-Набирахўжаев, Норкин-Малиничев, Пинчук-Шомаҳмудов, Гофман-Муҳамедов учрашувлари дуранг бўлди.

Мусобақанинг учинчи турида Мухин-Шварцман партияси жуда мураккаб ва кескин тус олди ҳамда иккинчисининг фойдасига ҳал бўлди. Пинчук Муҳамедовни енгди. Хасидовский-Гофман, Рудерфер-Норкин, Набирахўжаев-Лазарев, Малиничев-Қосимов партиялари дуранг натижа берди. Қолган ўйинлар кечиктирилди.

Мусобақа давом этмоқда.

М. МУҲИТДИНОВ,
мусобақанинг бош судьяси. СССР спорт мастери.

ҲИНДИСТОН—ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистонда меҳмон бўлган Ҳиндистон гимнастиначилари спорт делегацияси Тошкент спортчилари билан бирга тренировналар ўтказиб 22, 23 декабрда Армия Спорт клуби залида ўртоқлик учрашувида қатнашдилар.

Ҳинд гимнастиначилари кўп курашнинг икки турида ғалабага эришдилар: эркин машқлар бажарган Бонсле, сакровчи Мандаль ғолиб келдилар. Тошкентлик спорт мастери Роман Сиркин кольцода ҳаммадан устун чиқди. У турнирда спорт мастери Шер Хоннкелдиев билан, гимнастика отида эса мастер Артур Драгункин билан тенг балл тўплади. Ш. Хоннкелдиев сакраш мусобақаларида энг яхши натижа кўрсатди. Шахсий ҳисобда Р. Сиркин 57,05 балл тўплаб, биринчиликни олди. Команда ҳисобида ҳам Ўзбекистон гимнастиначилари ютдилар.

Ҳинд ва ўзбек гимнастиначиларининг ўртоқлик мусобақаси самимий дўстона вазиятда ўтди.

Штангачилар рекордлари

Таллин шаҳрида бўлиб ўтган СССР оғир атлетиначилари команда биринчилигида шаҳримиз спортчиларидан А. Хатуриди ва П. Шарипов янги республика рекорди қўйдилар. Динамочи спорт мастери А. Хатуриди ўрта вазнда қатнашиб, икки қўл билан жим қилишда 138 килограмм, бир зарб билан кўтаришда эса 136,5 килограмм натижа кўрсатди. «Локомотив» спорт жамиятининг аъзоси П. Шарипов ярим ўрта вазнда икки қўллаб бир зарб билан 125 килограмм, умумий уч курашда 405 килограмм оғирликдаги штангани кўтарди.

Республикамиз штангачилари бу йил Узбекистоннинг 17 та рекордини янгиладилар.

П. КОНОВАЛОВ.

Дунёнинг бир куни

Кубага товон тўланмоқда

ГАВАНА, 24 декабрь. (ТАСС). Плайя-Хиронга қуролли ҳужум вақтида асир қилиб олинган контрреволюционерларни республика революцион трибунали 63 миллион доллар товон тўлашга ҳукм қилган эди. Шу ҳисобдан Кубага Америка Қўшма Штатларидан дори-дармонлар, медицина ускуналари ва болалар учун озиқ-овқат маҳсулотларининг биринчи партияси келтирилди. 10 миллион доллардан кўпроқ қимматга эга бўлган бу юкларни «Африкэн пайлэт» пароходи ва Америкаларнинг бир неча транспорт самолётлари Кубага олиб келди.

Пароход ва самолётларнинг юки бўшатиб олингандан кейин, асирларнинг биринчи группаси Қўшма Штатларга жўнатилди

„ПАХТАКОР" ЎЗ САФАРИНИ ТАМОМЛАДИ

ЖАКАРТА, 24 декабрь. (ТАСС). Тошкент «Пахтакор» командасининг футболчилари дам олиш куни Индонезияда сўнгги матчни ўтказдилар. Бу гал республика терма командасининг футболчилари совет спортчиларининг рақиби бўлди. Командалардан бирортаси танаффусгача ҳисобни очишга муваффақ бўла олмади. «Пахтакор» футболчилари ўйиннинг иккинчи ярмида ҳужумни кучайтириб, рақиблар дарвозасига иккита тўп киргиза олдилар, айни маҳалда ўз дарвозаларига битта ҳам тўп ўтказмадилар.

«Пахтакор» футболчилари бешта ўйиндан тўрттасини ютиб ва биттасини дуранг қилиб, Индонезия сафарини муваффақиятли ўтказдилар.

АНИТА АРЕНС ОЗОДЛИКДА

БЕРЛИН, 24 декабрь. (ТАСС). Немис ватанпарвари Анита Аренс Нейседаги (Германия Федератив Республикаси) турмадан бўшатилди. Оғир касал бўлиб қолган бу аёл бундан бир неча кун муқаддам Бохумдаги турма касалхонасидан Нейседаги турмага кўчирилган эди. «Нейес Дейчланд» газетасининг хабарида айтилишича, немис ва чет эл жамоатчилиги билдирган норозиликлар натижасида Бонн маъмурлари Анита Аренсни озод қилишга мажбур бўлдилар.

Ғарбий Германия полицияси Анита Аренсни шу йил сентябрь ойининг охирида қамоққа олган эди.

Анита билан бирга эри Франс Аренс ҳам қамоққа олинган эди. Эр-хотиннинг коммунистик этиқодда маҳкам турганликлари ва тинчлик учун тинмай курашганликлари уларнинг қамоққа олинишига сабаб бўлган эди.

Мюнхен антифашистларининг ва нацистларнинг қамоқ лагерларида азоб торган собиқ тутқунларнинг катта группаси бу иккала ватанпарварни ҳимоя қилиб, уларни турмадан бўшатишни талаб қилиб, Германия Федератив Республикасининг юстиция министрига хат юборган эдилар. «Бизларнинг кўпчилигимиз, дейилган эди хатда, Франс Аренсни яхши биламиз, чунки Дахаудаги қамоқ лагерида у билан бирга бўлганмиз. У соф виждонли киши ва демократдир. У ва хотини оғир касал бўлганлигига қарамай бир неча ойдан бери турмада нима сабабдан ушлаб турилганлигини тушуна олмаётибмиз».

Германия Демократик Республикасининг минглаб гражданлари ҳам эр-хотин Аренсларни озод қилишни талаб этдилар. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комитети (Германия Демократик Республикаси) немис жамоатчилигини ватанпарварларни озод қилишни талаб этиб, Дюссельдорф прокуратурасига норозилик хатлари юборишга даъват қилди.

АДН агентлигининг хабарида айтилишича, Франс Аренс ҳали ҳам турмада ётибди.

Элизабетвилда қаттиқ отишма

НЬЮ-ЙОРК, 24 декабрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, бугун эрталаб Элизабетвилда Катанга жандармерияси билан БМТ қўшинларининг эфиопиялик қисми ўртасида қаттиқ отишма бошланиб кетган Шаҳарнинг африкалик аҳоли яшовчи кварталларга туташ бўлган районлари пулеметлар ва милтиқлардан очилаётган кучли ўт остида қолган. Эфиопиялик қўшинлар вакилларининг гапига қараганда, биринчи бўлиб Катанга сепаратчилари ўт очган.

ЛОНДОН, 24 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг хабар беришича, жуда катта концерн ҳисобланган «Юнион миньер»га қарашли йирик корхона яқинида Катанга жандармерияси билан БМТнинг эфиопиялик қўшинлари ўртасида қаттиқ отишма бошланган. Катанга манбаларидан олинган хабарларга қараганда, кўпгина кишилар ўлдирилган.

ҲИНДИСТОН КОММУНИСТЛАРИ ҚАМОҚДА

ДЕҲЛИ, 24 декабрь. (ТАСС). Бугун «Стейтсмен» газетаси Ҳиндистон компартиясининг аъзоларидан уч киши — Ғарбий Бенгалия штати қонун чиқариш мажлисининг аъзоси Илла Митр, штат қонун чиқариш кенгашининг аъзоси профессор Нирмал Багча ва Нарахара Кавирож «Ҳиндистон мудофааси ҳақидаги қонун»га асосан Калькуттада қамоққа олинганликлари тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди.

АРМИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

ПАРИЖ, 24 декабрь. (ТАСС). Армия Марказий спорт клубининг футбол командаси бугун маҳаллий «Рэсинг» командасига 1:5 ҳисоби билан ютқазди.

ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкент шаҳрида ва областида ҳаво булут бўлади, қор ёғади. Эрталаб 1—3, кундуз 1—5 даража атрофида совуқ бўлади.

Тошкент об-ҳаво бюроси.

АМАЛПАРАСТ

(ҲИКОЯ)

□ □ □

— Сичқоннинг ўлгуси келса мушук билан ўйнашар экан, — деди Турсун ёнида кетаётган ҳамроҳига.

— Хўжайин, хафа бўлманг, паймонаси тўлганда киши шундай қилиқлар чиқаради.

— Тирранчанинг бошига шундай кунларни солайки, дунёга келганига минг пушаймонлар есин. Бундай маҳмадоналарни тезда йўқ қилиш керак, — дейиши биланоқ Абдусалом унинг оғзидан гапини илиб олди.

— Каминангиз-да бу ишнинг кифтини келтирадиган. Хотиржам бўлаверсинлар. Ўнг қўлингиз—муовин раис Абдусалом Ваққосов учун битта механизаторни ишдан бўшатиш бир пиёла чой ичгандек гап, хўжайин.

— Илмимни хор қилиб, у билан ади-бади этишиб юрмай. Ўзинг буёғини тўғрилаб, аризаси билан олдимга киритасан. Фақат шу ҳафта ичида бўлсин, — деди-да Абдусалом билан хайрлашиб қаёққадир кетди.

Икки томони дарахтлар билан ишкомдек ўралган асфальт кўчада Турсун гавдасининг оғирлигидан зўрға нафас олиб ҳарсиллаб кетаяпти. У гоҳ оёғи гавдасини кўтаришга нимжонлик қилаётганидан колиса, гоҳ мажлисда танқид қилган Ботирдан ҳуноб. Қани шу топда ҳар битта туки найзага айланса-ю, шу найзалар кучини унга кўрсатиб, хумордан тарқаса. Афсуски, осмон йироқ, ер қаттиқ.

Ўйлаб-ўйлаб, ахири Абдусаломга ишонди. Ҳар қалай вафодор дўстим бор-ку, деган фикр миясига келди-да, пешонасига бир урди. Мен ким-у, у ким. Мени раҳбар учун яратган, квадрат-уялаб экишга эътибор бермаётган бўлсам, механизацияга йўл қўймаётган бўлсам, райком бор, территориал ишлаб чиқариш бошқармаси бор. Улар танқид қилсин. Уларнинг танқиди тўғри. Ҳар қалай ўзингдан катта одамлар. Бучи, тавба, пахта териш машиналари хўжакўрсинга турган эмиш, механик-ҳайдовчилар бошқа иш билан бандмиш. Шунинг учун ҳам бу йил колхоз пахта планини бажаролмай осилиб қолган эмиш. Бўйингга қараб тўн бич, читтак. Сендан бошқа ақли расо инсон бўлганда, «Раҳмат раис ота, механизаторлар курсига юборай, кетмондан ҳоли қилдингиз, жоним роҳатда» деб икки қўлини кўксига қўйиб, таъзим билан соямга кўрпача соларди. Сен-чи, номард, кўпчилик олдида менинг оҳоримни тўкдинг. Сен юзсизни қўлингдан правангни олиб, думингни тугмасам отимни бошқа қўяман. Тукканда ҳам қандай. Иккинчи марта машинанинг олдига боролмайдиган қилиб шармандангни чиқариб, колхозга коровул қилиб қўяман, деган ҳаёл билан уйига келганини билмай қолди.

Эшик олдида уч яшар ўғли «Ада!» деб ўзини отасига отди.

— Чирмовуққа ўхшаб оёққа ўралашма, бор нарироқ, раис уни силтаб юборди. Бир қадам орқага тисарилган бола қотиб қолди.

— Бу нима қилганингиз, бўйнини гардонига қисиб туришини қаранг, шунчалик ҳам тўнг бўладими киши. Боланинг шаҳтини бунақа қайтармайди, — деди жаҳл билан Рисолатхон.

— Шашти-паштини қўй, арзимаган одамдан гап эшитдим. Гўё мен ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган, деҳқончиликнинг тилини билмайдиган, механизацияга йўл қўймайдиган, кетмонни машинадан афзал кўрадиган одам эмишман. Муомалам ёмон эмиш.

— Ким айтган бўлса ҳам ҳақ ростини айтибди. Қишлоқдагилар ҳам сизни жуда шишиниб кетган, ҳеч кимни назари илмайди, салом берса алик олмайди дейишяпти.

— Менга ўргатма, биламан кимлар билан салом-алик қилишни, — деди-да уйга кириб кетди.

...Орадан кўп ўтмай Турсун қишлоқ ўртасидаги ҳовуз атрофида қоронғу тушгач пайдо бўладиган бўлиб қолди. Энди унинг юзлари сўлғин. Аммо пақир кўтариб сувга келганларга ўз ҳукмини ўтказарди. У гоҳ икки қўлини биқинига тираб «ф» шаклида қошларини чимириб уёқ-буёққа юрар, гоҳ шапкасини қўлига олиб папиросини оғзининг у чеккасидан бу чеккасига айлантириб, қўлини бигиз қилиб сувга келганларнинг бирига сувни анови ердан ол деса, иккинчисига пақир чайган сувни кўчага сепиб юбор, учинчисига эса ҳовуз четига сув тўкма деб юрарди. Шу чоқ ҳовуз ёнидаги чойхона сўрисида ўтирган бир мўйсафиднинг зардаси қайнаб, оппоқ соқолини силадида, сўридан тушиб, Турсун томон йўл олди.

— Энди халқни ўз ҳолига қўйсанг-чи, ҳамманинг жонига тегдинг-ку, сендан қутиладиган кун борми ўзи.

Турсун пинагини бузмай, икки қўли билан икки белини ушлагانича:

— Ҳа, сизга нима, ишимга аралашманг, ўзим биламан, эҳ-ҳушим жойида, — деди-ю, орқасига қайрилиб, қоронғида ғойиб бўлди.

З. ОРИПОВ.

„Қалблар чароғбони"

Шу йилнинг сентябрь ойида районлараро «Коммунизм тонгги» газетасининг редакцияси қишлоқ хўжалиги темасидаги энг яхши ҳикоя, очерк, репортаж ва мақолалар учун конкурс эълон қилган эди. Конкурсга ишчи-деҳқон мухбирларидан, ёш қаламкашлардан кўпгина материаллар келди. Уларнинг бир қисми газета саҳифаларида босилиб чиқди.

Яқинда конкурсга якун ясалди. Ўртоқ Р. Умаровнинг «Қалблар чароғбони» сарлавҳали очеркига биринчи мукофот берилди. «Ўч оламан деб»... номли ҳикоя ва «Сосбуғаликлар» сарлавҳали очерк иккинчи мукофотни олди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари—25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари —33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими—34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30-251, 30-252, 30-253, 30-254, 30-255, 30-256, 30-257, 30-258.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 14448. Нашр. Р. 1752.